

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳукукида

Рўзиев Бахтиёр Қобилович

**ЮҚОРИ СИФАТЛИ ҚОРАМОЛ ГЎШТИ ЕТИШТИРИШДА
БУЗОҚЛАР ЗОТИНИНГ РОЛИ.**

5А 420105 “Одам ва ҳайвонлар физиологияси” мутахассислиги бўйича магистр академик
даражасини олиш учун

**МАГИСТРЛИК
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Илмий рахбар:
қишлоқ хўжалик
фанлари номзоди,
доцент Рахимов. М.А

Фарғона - 2011.

КИРИШ.

Призидентимиз И.Каримовнинг “Узоқ муддатли истикболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудратли ва иқтисодийетимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устивор йўналиш – техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат” эканлиги ҳақидаги иборалари ҳалқ ҳўжалигининг барча тармоқларида изланиш, илмий ва амалий аҳамиятга эга назариялар яратишга ундайди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва Таълим тўғрисидаги қонунларнинг (1997 йил 26 август) ишлаб чиқилиши эса ҳалқ ҳўжалигини малакали мутахассислар билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни, илғор фан ва технологиянинг янги замонавий ҳалқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган асбоб – ускуналари билан жиҳозлаш ва мамлакатнинг ривожланган буюк давлатлар қаторига қўшишдек муҳим долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни қўйди.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб ҳукуматимиз қарорларида сут ва гўшт маҳсулотлари етиштиришни ошириш унинг сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш масалалари ўз аксини топган.

Шунингдек ҳозирги кунда республикамиз аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари билан имкони борича кўпроқ таъминлаш, улар эҳтиёжини ҳар томонлама тўлароқ қондириш ва шу йўл билан саломатликларини янада яхшилаш каби муҳим ва долзарб муаммоларни ҳал қилиш масалалари ўз ижобатини кутмоқда.

Бу муаммоларни ҳал қилиш учун даставвал чорва турларини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, тез етилувчанлик муддатини қисқартириш, маҳсулдорлиги бўйича танлаш ва иқлимлаштириш таълаб этилади.

Бу борада бажарилган ушбу магистрлик диссертацияси илмий ва амлий аҳамиятга эга бўлиб , унда қисман муаммоларни ҳал этиш чораларини ёритишга ҳаракат қилинди.

Каримов. И. А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. 2010 йил. 65 бет.

Мавзунинг долзарблиги:

Бир хил иқлим ва хўжалик шароитида бир неча зотлар , уларнинг ўсиши , ривожланиши ва семириши, чидамлилиги, мосланиш хусусиятлари ҳамда гўшт маҳсулдорлигига оид муаммолар ўрганилди.

Тадқиқотнинг мақсади:

Тадқиқотда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ва сифатини оширишда табиий ва иқтисодий шароитни, ҳудуд хусусиятини ҳисобга олган ҳолда баъзи зотларнинг гўшт маҳсулдорлиги ва сифати бўйича афзалликлари ўрганилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари:

Магистрлик диссертацияси ишида бузоқлар зотига уларнинг гўшт маҳсулдорлиги ва сифати бўйича баҳолаш билан мазкур ҳудуд учун мос бўлган зотни ихтисослаштириш (районлаштириш) аниқланди.

Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотда қорамолларнинг гўшtdорлик хусусияти уларнинг ориқ-семизлигига, озуқаларнинг тўйимлилиқ сифати ва боқиш шароитига боғлиқлиги билан гўшtnинг тўйимлилиги, мазаси ва бошқа хоссаларида қорамол зоти ва маҳсулот йўналишининг роли ҳам асосий омил эканлиги ёритилди.

Химояга олиб чиқиладиган ҳолатлар.

Қорамолчилиқнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, қорамолларнинг семизлик даражаси ва гўшtdорик сифатлари, гўштга боқиладиган бузоқлар ўсиши ва ривожланишининг улар зотига боғлиқлиги ҳамда мазкур ҳудуд учун иқтисослаштирилиши (районлаштирилиши) мақбул ҳисобланган қорамол зотининг гўшт маҳсулдорлиги ва сифати ўрганилди.

Ишнинг апробация ва чоп этилиши:

Диссертация бўйича 2 та илмий мақола чоп этилди.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми:

Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, жами 70 бет компьютер матндан иборат.

I. БОБ. ҚОРАМОЛЛАР ГЎШТ МАҲСУЛДОРЛИГИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШДА УЛАР ЗОТИНИНГ РОЛИ МАВЗУСИ БЎЙИЧА АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.

1.1. Қорамолчиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.

Қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоғи чорвачилик ҳисобланади. У халқимизни ниятда ҳаётини аҳамиятга эга бўлган озиқ-овқатлар (гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, тухум, асал), енгил саноатни турли хом ашё (жун, тери, мўйна, қоракўл тери, тивит ва х.к.) билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга [3].

Ем-хашакбазасини янада мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини ошириш чорва моллари ва паррандаларини ҳар хил сервитамин озиқлар билан йил мобайнида узлуксиз таъминлаш, бу тармоқни жадал ривожлантиришда асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ғаллачилик, мевачилик, сабзавотчилик, пахтачилик ва боғдорчилик каби соҳаларни ривожланиши чорвачиликнинг рағбат топиши учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки ғаллачиликда етиштириладиган дон маҳсулотлари ва ғалла экинларининг пояси чорва моллари учун қимматли озиқ ҳисобланади. Мевачилик ва сабзавотчилик чиқиндилари ҳар хил ҳайвонлар учун серсув ва сервитамин озиқ сифатида фойдаланилади. Пахтачиликда чигит кунжараси, шулха ва ғўзапоя қабилар чорва моллари учун тўйимли озиқ ҳисобланади [20, 22].

Ҳозирги вақтда Чорвачилик энг сертармоқ соҳаларидан бири ҳисобланади. Унинг асосий тармоқлари: Қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, чўчқачилик, паррандачилик, йилқичилик, туячилик, қўёнчилик, мўйнабоп ҳайвонлар (норкачилик, нутриячилик ва х.к.), асаларичилик, ипакчилик бўлса, сўнгги йилларда унинг янги тармоқлари билан, яъни баллиқчилик, беданачилик каби соҳалар билан бойитилмоқда.

Яна муҳим тадбирлардан бири барча чорвачилик хўжаликларида, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш ва ундан унумли фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ем-хашак тўйимлилигини яхшилаш, сифатини ошириш, айниқса, таркибидаги оксил миқдорини кўпайтириш, сунъий усулда турли хил витаминлар, аминокислоталар, микроэлементлар, антибиотиклар ва организмларини жадал ўстирувчи моддалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳозирги замон талаби ҳисобланади [5,6].

Чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантиришда омехта ем, донатор ва брикет озиқ тайёрлаш ишларини жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, жуда муҳим ҳисобланган дағал ва серсув озиқлар (беда пичани, сенаж, силос, маккажўхори, оқжўхори, хашаки лавлаги, озиқбоп полиз экинлари) ни янада кўпроқ ва сифатлироқ

етиштириш, мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, уларнинг хосилдорлигини ошириш ва суғориладиган, маданий яйловлар ташкил этиш шулар жумласидандир.

Чорвачиликни жадал ривожлантириш кўп жихатдан чорва моллари ва паррандалари махсулдорлигини боғлиқлиги учун, аввало, наслчилик ва селекция ишларини жадаллаштириш, янги сермахсул зот ва гурухларни яратиш, мавжуд зотларни такомиллаштириш, дурагайлаш ишларини кенгайтириш, саноат асосида чатиштириш тадбирларини жиддийлаштириш муҳим вазифалардан хисобланади. Бу борада наслчилик ишлари билан шуғулланадиган барча туман фермерлари, хусусий дехқон ва жамоа хўжаликлари, ҳамда вилоятлардаги масъул ташкилот раҳбарлари жонбозлик кўрсатишлари ва қатъий назорат қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Чорвачиликни жадал ривожлантириш кўп жихатдан фан янгиликлари, амалиёт, илғорлар тажрибаси, янги техника ва технологияга боғлиқдир. Фан янгиликлари эса давлат, жамоа ва фермер хўжаликларида прогрессив усулда арзон ва сифатли маҳсулот етиштириш борасида асосий йўлланмадир.

Ҳозирги вақтда, Ўзбекистон фуқаролари билан бир қаторда барча чорвадорлар мустақилликка эришган ҳолда ўзларининг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини тўғри билган ва тушуна олган тарихий бир даврда, яни ўтиш даврида фаолият кўрсатмоқдалар. Бинобарин, мамлакатимизда ўзига хос жиддий, масулиятли ва мураккаб – ўтиш даври давом этар экан, бунда чорвадорлар ҳам эл-юрт фуқаролари қатори халқ ва ватан тараққиётига ва иқтисодиётига ўз улушларини қўшиш иштиёқидадирлар.

Бу борада кўплаб хусусий дехқон хўжаликлари, чорвадор фермерлар халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган муҳим тадбирларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Жумладан, ўз фермаларини йириклаштириш, ҳайвонлар махсулдорлигини ошириш, мол туёғини кўпайтириш, янги техника ва технология талабларига жавоб бера оладиган замонавий молхона ва паррандахоналарни барпо этиш, наслчилик ишларига алоҳида эътибор берган ҳолда, молларни танлаш ва саралаш ишларини жорий этиш, ёш ҳайвонларни тўғри парваришлаш ва боқиш барча мутахассисларнинг диққат марказида бўлгани ҳолда ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда [25, 26, 27, 28].

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Республикамиз чорвадор-фермерлари олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири – ҳар бир ферма учун ҳайвон ва паррандаларнинг сермахсул, тез етилувчан, серпушт, ташқи муҳит шароитига яхши мослашган, касалликларга чидамли ва иқтисодий самарадорлиги юксак бўлган гурухларини яратишдан иборат [38, 39].

Бундай тадбирларни амалга ошириш учун ҳайвонлар биологиясини билиш, айниқса, уларнинг анатомияси ва физиологияси, организмларнинг ўсиш ва ривожланиш

қонуниятларини, барча органларнинг тузилиши, хусусияти, функцияси (вазифаси) кабиларни билмасдан туриб, ижобий натижаларга эришиб бўлмайди.

Шуни унитмаслик лозимки, б и о л о г и я фан асосларини ишлаб чиқишга ва умуман ҳаётга жорий этмасдан меҳнат фаолиятида улардан тўғри ва унумли фойдаланмасдан туриб, чорвачиликда ижобий натижаларга эга бўлиш мумкин эмас. Айниқса, ҳайвон ва паррандалар маҳсулдорлигини ошириш, улардан кўп, сифатли ва арзон маҳсулот етиштириш борасида ҳам биология қонуниятларидан фойдаланиш кўп жихатдан қўл келади [40, 41, 42].

1.2. Қорамоллар овқат ҳазм қилиш органларининг анатомияси ва физиологияси.

Овқат ҳазм қилиш мураккаб физиологик процесс ҳисобланади. қабул қилинган овқат оғизда майдаланиб, механик ва химиявий жихатдан ўзгаради, сўнгра ошқозон ва ичакларда ҳазм бўлади. Овқат ҳазм қилиш органларига: оғиз бўшлиғи ва ундаги органлар, томоқ-халқум, қизилўнгач, меъда, ичаклар, жигар, меъда ости беши ва овқат ҳазм қилиш каналидаги бир қанча безлар киради [8, 9, 10].

Оғиз бўшлиғи овқат ҳазм қилиш каналининг бошланғич қисми ҳисобланади. У оғиз тешигидан ва устки ҳамда остки лаблардан ташкил топган. Лаблар мускул-тери тузилмасидан вужудга келган бўлиб, ташқи томондан жун-тери, ички томондан шиллик парда билан ўралган. Оғизнинг икки томони сермускул лунжлардан ташкил топган. Овқат ҳазм бўлишида тил ости, жағ ости ва қулоқ олди безларидан ажралиб чиқадиган сўлакнинг роли бениҳоя салмоқлидир.

Қорамоллар ошқозони кенг хажмли бўлиб, тўрт камерадан (ширдон, тўрқорин, қатқорин ва катта қориндан) ташкил топган. Ҳайвонлар истеъмол қилган озиқда химиявий ва механик ўзгариш юз беради. У майдаланади ва турли хил безлар (сўлак беши, ошқозон ва ошқозон ости беши, ичак беши ва жигар) маҳсулоти ёрдамида химиявий ўзгаришларга учрайди. Шунингдек, ферментлар ҳам актив иштирок этади. Бунда айрим ферментлар оксилни парчаласа, баъзилари ёғ ва углеводларни парчалаб, ҳазм бўлиши учун мос ҳолга келтиради. Озиқ моддалар ингичка ичак деворларидаги ворсинкалар ёрдамида шимилади ва қонга ўтади, қон орқали бутун организмга тарқалади. ингичка ичакда ҳазм бўлмаган озиқ йўғон ичакда шимилади, қолдиқ моддалар эса ташқарига чиқариб юборилади [13, 14, 15].

Овқат ҳазм бўлишида ошқозон бўлимларининг роли. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг овқат ҳазм қилиш канали уларнинг озиқланиши ва моддалар алмашинуви

жараёнида муҳим қисм ҳисобланади. ҳайвонларни боқиш даражасини, рациондаги озиқлар нисбатини ва миқдорини ўзгартириш асосида организмдаги барча физиологик процесслар: нафас олиш, юрак, қон-томир фаолиятини исталган йўналишда бошқариш мумкин.

Истеъмол қилинган озиқ-овқат ҳазм қилиш органларининг функцияси туфайли сингади (шимилади). Бунда овқат ҳазм бўлиши учун без суюқликлари ишлаб чиқади, физик, механик ва химиявий ишланади, ошқозон-ичак канали бўйлаб ҳаракатланади ва озиқ моддалар қонга шимилади.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари озиқни икки хил усулда ҳазм қилади. Биринчисида, ошқозони бир камерали бўлган (от, чўчқа ва бошқа) ҳайвонларда овқат ферментлари таъсирида ишланиб, ичакларда шимилади ва организмга сингади. Иккинчисида, ошқозони тўрт камерали бўлган (қорамол, қўй, эчки ва бошқа) ҳайвонларда овқат ферментлари иштерок этмаган ҳолда ичакка боргунча ошқозонни ўзида шимилади ва ҳазм бўла бошлайди. Буларда озиқ моддалар, айниқса углеводлар ферментлар таъсирида, ошқозон-ичак бўшлиғидаги микроорганизмлар иштерокида ҳазм бўлишига тайёрланади. айниқса клетчаткани парчаловчи ва эритиб юборувчи бактериялар ва инфузорияларнинг иштероки анча актив бўлади. Шундай қилиб, ошқозони кўп камерали кавиш қайтарувчи ҳайвонларда, жумладан, қорамолларда истеъмол қилинган озиқ мураккаб биохимиявий жараёнда ишланади, парчаланади ва шимилади. Бу иш ошқозон қисмларидаги бактериялар ва микрофлора ёрдамида амалга ошади.

Хулоса қилиб айтганда, ошқозони бир камерали ҳайвонларда овқат асосан ичакларда ҳазм бўлса, ошқозони кўп камерали (кавш қайтарувчи) ҳайвонларда ошқозон-ичак системасида ҳазм бўлади. Бинобарин, қорамоллар учун рацион тузишда ва уларни боқишда овқат ҳазм қилиш органлари физиологиясини ҳисобга олиш зарур [16, 17, 18, 19].

Ошқозонда овқат ҳазм бўлиши ва ошқозон бўлимларида овқатнинг ўзгариши. Қорамолларнинг кўп камерали мураккаб ошқозони клетчаткага бой бўлган кўп миқдордаги дағал озиқни истеъмол қилишга мослашган. Ҳайвон ютган озиқ дастлаб катта қоринга ва қатқоринга тушади. Катта қорин, ҳажмига кўра, ошқозондаги озиқнинг 80 % ни сақлай олади.

Ошқозон бўлимларида кўп миқдорда бактериялар, инфузориялар (бир хужайрали содда организмлар), ачиткич занбуруғлари бўлади. Масалан, катта қориндан олинган 1 г озиқда 2млн та инфузория ва 10млрд га яқин бактерия борлиги аниқланган.

Кузатишларга қараганда, сикмада углеводларнинг, протеин ва оксилсиз азотли моддаларнинг деярли 80% ҳазм бўлар экан, қолган 20% глюкоза сифатида ичакда шимилиши ва ҳазм бўлиши аниқланган.

Микроорганизмларнинг актив фаолияти натижасида ошқозон қисмларида сирка, пропион, мой кислота ва бошқалар ҳосил бўлади ва парчалаоган озиқ моддалар шу ернинг ўзидаёқ қонга сўрилади ва ҳазм бўлади. Катта қоринда ҳосил бўлган аммиак ва аминокислоталар бактериялар томонидан ўзлаштирилади ва уларнинг фаолиятига муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ошқозон бўлимларининг ҳаракатланиши. Катта қорин ва қатақориннинг ҳамма вақт торайиб-кенгайиб туриши натижасида ундаги озиқ моддалар аралашади ва ширдонга томон сўрилади. Қатқорин ҳар 30-60 секундда торайиб-кенгайиши аниқланган. Катта қориннинг торайиб-кенгайиши қатқориннинг фаолиятига боғлиқ. Катта қорин билан қатқориннинг бу хоссаси кечаси-ю – кундузи, умуман, тинимсиз давом этади, шунингдек, бунинг натижасида овоз ҳам чиқади. Агар биз моллар танасининг чап томонига қулоқ солсак, бу овозни осон эшитиш мумкин бўлади.

Қатқориндаги массанинг тўрқоринга ўтиши улар орасидаги тешик (йўл) очик бўлишига ва тўрқориндаги босим кучига боғлиқ бўлади. Агар тўрқориндаги босим кучли бўлса ва иккала қисм ўртасидаги йўл берк бўлса, у ҳолда озиқ массаси бевосита ширдонга ўтади.

Кавш қайтариш. Қорамол ва қўйлар озиқни шошилишча истеъмол қилади. Чала майдаланган озиқ сикма ва қатқоринни тўлдирди. бир оз вақт ўтгач, бу озиқ массаси оз-оздан ҳайвон оғзига қайтиб келади. Уни ҳайвон тишлари ёрдамида яхшилаб майдалаб, сўлак суюқлигига булғалаб яна қайтадан ютиб юборади. Бу уларнинг кавш қайтариши ҳисобланади ва у сутка мобайнида бир неча бор такрорланади. Бу такрорланиш асосан рацион таркибига, ҳаво температурасига, ҳайвонларнинг индивидуал хусусиятига ва хоказоларга боғлиқ бўлади. Масалан, қорамол ва қўйлар дағал озиқни оз истеъмол қилган бўлса, кавиш қайтариш даври қисқа бўлади. Ҳаво жуда иссиқ бўлса кавиш қайтаришга тўсқинлик қилади. Ёш бузоқлар ҳам дағал озиққа ўтиши билан, яни уч ҳафталигидан бошлаб кавш қайтаради [29, 30, 31, 32].

Моддалар ва энергия алмашинуви.

Моддалар алмашинуви деганда, истеъмол қилинган (организмга кирган) озиқнинг ҳар томонлама ўзгариб, парчаланиши, ҳазм бўлиши ва қолдиқ моддалар чиқариб юборилишигача бўлган барча жараён тушинилади. Моддалар алмашинувида ассимиляция ва диссимиляция процесси амалга ошади. ассимиляция натижасида моддалар ферментлар таъсирида химиявий жихатдан ўзгаради, ҳазм бўлиши учун қулай ҳолга келади, шимилиб барча тўқима ва хужайраларга боради. Диссимиляция натижасида эса ҳазм бўлмаган, яни организм учун кераксиз бўлган қолдиқ моддалар ташқарига чиқариб ташланади. Ассимиляция диссимиляциясиз бўлмайди ва аксинча. Бу

жараёнлар турли ёшдаги ҳайвонлар организмида турлича боради. Масалан, ўсадиган ёш организмларда ассимиляция жадал давом этади. қари ва каттароқ ёшли, шунингдек, оч ҳайвонларда, аксинча, диссимиляция жадалроқ боради.

Ҳайвон организми томонидан ўзлаштирилган озиқ моддалар унга энергия беради. Углеводлар, ёғлар ва оқсиллар энергия манбаи ҳисобланади. Энергия ҳайвон организмида янги ҳужайраларнинг вужудга келиши, уларнинг актив фаолияти учун сарфланади. Айниқса мускулларнинг тинимсиз ҳаракати, жисмоний меҳнат ва совуқ кунларда тана температурасининг бир меъёردа сақланиши кўп энергия талаб қилади.

Витаминлар, минерал тузлар эритмалари ва сув энергия бермасида, углеводлар, ёғлар ва оқсиллар билан баробар аҳамиятга эга, чунки улар моддалар алмашинувида актив иштирок этади.

Моддалар ва энергия алмашинуви ягона жараёндир. бунда моддаларнинг химиявий ўзгариши натижасида вужудга келган энергия иссиқликка айланади, механик ва бошқа турдаги ўзгаришларга сарфланади. Бундай усулдаги энергия алмашинуви нормал даражада моддалар алмашинувининг асосий омили ҳисобланади.

Маълум вақт ичида организм томонидан ажратиб чиқариладиган энергия калория билан ифодаланади. Кузатишлардан маълум бўлишича, маҳсулдор сигирларда моддалар алмашинуви анча жадал боради. Масалан, соғим сигирларда моддалар алмашинуви соғилмайдиган сигирлардагига қараганда 40-45% кўпроқ, юқорироқ бўлади. Шунингдек, суткасига 12-14л сут соғиб олинadиган сигирларда соатига 754.1 ккал иссиқлик ажралса, 23-31л сут берадиган сигирларда бу кўрсаткич 1139,9 ккал ни ташкил қилади.

Оқсиллар алмашинуви. Организмнинг фаолияти ҳамма вақт оқсиллар алмашинуви билан боғлиқ бўлади. Оқсиллар маълум миқдорда ўсимликлар ва ҳар хил озиқлар таркибида учрайди. Гўшт ва гўшт маҳсулотларида, сут ва сут маҳсулотларида, тухум таркибида, шунингдек, айрим ўсимликлар донида (ловия, нўхат, соя ва хоказоларда) оқсил кўпроқ бўлади.

Оқсил таркибида ҳар хил тўла қимматли аминокислоталар бўлиши ҳайвон организмнинг нормал ўсиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Ёғлар алмашинуви. Бу жараён ҳайвонлар организмида муҳим ҳаётий аҳамиятга эга, чунки ёғ кўп миқдордаги энергия манбаи ҳисобланади. Ёғлар мой кислоталардан ва глицериндан, шунингдек, оқсил ва углеводлардан синтезланган ҳолда ҳосил бўлади. айрим витаминлар (А, D, E, K) ёғларда эрийди ва ҳайвонлар организмида иссиқликнинг бошқарилишида иштерок этади ҳамда озиқ моддаларнинг ичакда сўрилиши ва ҳазм бўлишида актив қатнашади. Агар ҳайвонлар организмида ёғлар алмашинуви жараёни бузилса, у турли касалликларга чалинади ёки нобуд бўлади.

Угливодлар алмашинуви. Ҳайвонлар организмда угливодлар алмашинуви муҳим аҳамиятга эга. Глюкоза қон таркибидаги муҳим модда бўлиши билан бирга, у ҳужайралар томонидан жуда осонлик билан ўзлаштирилади ва энергия манбаи сифатида иштирок этади. Агар қон таркибида глюкоза камайиб кетса, ҳайвонлар титрайдиган, қалтирайдиган бўлиб қолади, айрим ҳолларда нобуд бўлиши ҳам мумкин. Кузатиш маълумотларига қараганда, ҳайвон организмда глюкоза бирдан кескин камайиб кетмайди, чунки жигарда ўртача 300г миқдорда гликоген сақланади. Бинобарин, организмнинг эҳтиёжига кўра, ананшу гликоген парчаланишидан глюкоза ҳосил бўлади ва у қонга ўтиб, органлар, тўқима ва ҳужайраларга тарқалади. Медицинага эса глюкоза дармонсизланган касал кишиларнинг вена қон томирларидан юборилади ва улар организмнинг фаолияти яхшиланади.

Минирал моддалар ва сувалмашинуви. Организмдаги муҳим физиологик жараёнлар минирал моддалар ва сув иштирокида боради. Минирал моддалар ҳайвонлар организмнинг тахминан 4,5% ни ташкил қилади ва улар асосан скелет таркибида бўлади. улар турли органларда тўпланади. Масалан, терида натрий, жигарда темир, суякда кальций ва фосфор, мускулларда калий тўпланади ҳамда организм эҳтиёжи учун сарфланади.

Организмдаги минирал моддалар икки гурпуга бўлинади. Биринчиси микроэлементлар бўлиб, уларга натрий, калий, фосфор, олтингугурт, кальций каби моддалар киради ва уларнинг миқдори кўпроқ бўлади. Иккинчиси микроэлементлар бўлиб, уларга кобальт, мис, йод, марганец, бром, рух, фтор каби моддалар киради ва уларнинг миқдори юздан ёки мингдан бир процентни ташкил қилади. Агар ҳайвонлар рационда макро ва микро элементлар етишмаса, улар касалланади, ориқлайди ва баъзан нобуд бўлиши мумкин.

Сувалмашинуви ҳам организмда муҳим роль ўйнайди. минирал моддалар алмашинуви сув билан ҳамбарчас боғлиқ ҳолда боради. Сувда турли органк ва аорганик тузлар эрийди. Моддалар алмашинуви жараёнининг барчасида сувактив иштирок этади. Организмда қонда, тана суюқлигида, секрет ишлаб чиқувчи безларда, терида, сўлакда ва бошқа қисимларда сув кўпроқ бўлади. Ўртача катталиқдаги қорамоллар танасининг 65% сувдан иборат. Агар организмда сув миқдори камайиб кетса, у касалланади ва нобуд бўлади.

1.3. Қорамолларнинг асосий зотлари.

Барча қорамоллар маҳсулот йўналишига, ташқи белгилари ва фенотипик хусусиятларига кўра маълум зотларга ёки зотсиз ҳайвонлар группасига киради. Келиб чиқиши бир хил ва бир турга мансуб бўлган, лекин экстеръери, конституцияси, ҳўжалик учун фойдали белги-хусусиятлари билан фарқ қиладиган ҳайвонлар группаси зот дейилади. зотнинг бошқа группалардан фарқи шундаки, зот ичида доим наслчилик ишлари олиб борилади ва улардан наслдан-наслга ўтадиган хусусиятлари яхшилаб борилади. Зотнинг сифати ва хусусиятлари ундаги барча ҳайвонлар келиб чиқиши жихатидан бир хил, вакилларининг ҳам бир хил ёки жуда ўхшаш бўлиши, шунингдек, уларни маълум ёўналишда боқиш, урчитиш, кўпайтириш ва наслчилик ҳамда селекция ишлари олиб бориш билан белгиланади [24, 33].

Зотнинг вужудга келишида у таркибидаги ўзига хос, муҳим группалар: зот ичидаги ишлаб чиқариш типлари, завод типлари, линиялар ва оилалар бирлашган ҳолда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги замон маъданий зотларнинг таркибий элементлари асосан зотдор линиялар ва номи тарқалган оилалардан иборат. Умуман зотлар устидан самарали наслчилик ишлари олиб бориш учун камида 5000 бош урғочи молни ўз ичига олади бир қанча оилалар, кўплаб линиялар кенг тарқалиш ариалига эга бўлиши керак.

Чорвачиликнинг барча тармоқларидаги каби, қорамолчиликда ҳам бир зот инсон томонидан, унинг маълум мақсадлари асосида, узоқ вақт ва кўплаб меҳнат сарфлаш натижасида яратилади. Ҳар бир зот маълум зонада, географик ва иқлим шароитига эга бўлган районларда турли хил экологик факторларга мосланган ҳолда вужудга келади. Бинобарин маскур зот шу зонада юқори кўрсаткичга эга бўлади. Бошқа иқлим шароитида эса ҳар бир зотдан максимал маҳсулот олиш учун улар нихоятда яхши мослашган бўлиши керак.

Молларнинг зотдорлиги. Моллар зотдорлик даражасига кўра иккига: яъни тоза зот ва дурагай группага бўлинади. Масалан, бир зотга мансуб бўлган эркак ва урғочи ҳайвондан вужудга келган насл тоза зот ҳисобланади, лекин бунинг учун унинг ота-онасининг зоти, сифати, хусусиятлари ва ҳоказолар бўйича етарли ҳужжат ва фактлар бўлиши керак.

Ҳар хил зотлар ўзаро чачиштирилса, у ҳолда дурагай насл вужудга келади. Агар икки зот ўзаро чачиштирилса, у ҳолда дурагай наслда ҳар бир зотнинг $\frac{1}{2}$ қисми қони бўлади. Дурагайларнинг урўочиларининг фақат бир зотнинг эркаклари билан чачиштириш ишлари чексиз давом эттираверилса, олинган 5-6 чи бўғин дурагайлар тоза қонли ёки тоза

зот хисобланади. бунда ҳар бир бўғин дурагайлар зотлар қонининг нисбати ёки миқдор жихатидан нечанчи бўғин билан юритилади.

Зот яратиш. зотнинг яратилиши ва эволюциясига барча факторлар орасида иқтисодий факторлар муҳим таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда наслчилик ишлари ягона режа асосида олиб борилади.

Зот яратилишидан аввал зот группалари вужудга келади. зот группаси келиб чиқиши умумий бўлган, махсулдорлиги, конституцияси, муайян табиий шароитга мосланиши билан бир-биридан фарқ қиладиган, лекин ҳали зотнинг комплекс белги ва хусусиятларини ўу организмда намоён эта олмаган уй ҳайвонлари группасидир. Зот группаси кўп миқдордаги дурагайлар йиғиндиси ҳисобига кўпайтирилади ва парвариш қилинади. Лекин зот группасидаги ҳайвонларга ҳали ўзининг ирсий белги ва хусусиятларини наслига юқори даражада ўтказа олмаслиги аниқланган. Шунинг учун ҳам уларнинг насли бир текис наслдор ва бир хил бўлавермайди. Зот группасининг тарқалиш ареали тор, линия ва оилалари оз ва ҳали такомиллашмаган, ишлаб чиқариш ва зот типи яхши ифодаланмаган бўлади. Айрим ҳолларда зот группасига унча кенг тарқалмаган, махсулдорлиги ва айрим белги-хусусиятлари яхшиланган ўлка (махаллий) молларини киритадилар. Умуман зот группасидан янги зот яратиш учун унинг устида тинимсиз ишлар, янги сермахсул линия ва оилаларнинг ишлаб чиқариш типларини яратиш шунингдек, наслчилик ишларини кенг миқёсда олиб бориш талаб этилади.

Қорамолчиликда моллар зотига баҳо бериш ишлари ҳам олиб борилади. Бунинг учун муайян бир хил иқлим ва ҳўжалик шароитида бир неча зотлар ҳар томонлама текшириб кўрилади, уларнинг махсулдорлиги, чидамлилиги, мосланиш хусусиятлари, болаларининг ўсиш, семириш ва ривожланиш тезлиги солиштириб кўрилади. Барча хусусиятлари барча афзал ҳисобланган зот маскур зона ёки ареал учун мақбул ҳисобланади. Бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад ҳар бир район учун мос бўлган моллар зотини раёнлаштириш ҳисобланади. районлаштиришдан мақсад чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, насл олинадиган, сермахсул зотлар чиқариш, табиий ва иқтисодий шароитни, алоҳида районлар ҳусусиятини ҳисобга олган ҳолда зотларни мақсадга энг мувофиқ кўпайтиришдан иборат. Зотларни планли районлаштириш моллар сифатини яхшилаш тадбирларини маълум мақсадда тез амалга оширишга имкон беради. 2-4 йил мобайнида зотларни солиштирма ҳолда баҳолаш ишлари амалга оширилади. Бунда зотлар Ҳозирги замон таълабларига кўра янги технология жараёнларига мос келиши, насл соғлом ва тетик бўлиши, серпуштлиги, ем-хашак турларига бўлган эҳтиёжи, маҳсулотининг миқдори ва сифати ҳамда таннархи каби кўрсаткичлари ҳам ҳисобга олинади.

Маҳсулдорлигига кўра зот типлари.

Зот типлари классификацияси узоқ тарихга эга. Бу борада биринчи бўлиб Ч. Дарвин зот типларига баҳо бериб, уларни икки гурппага бўлади. Биринчиси табиий, онгсиз ҳолда танланиш натижасида вужудга келган зотлар бўлса, иккинчиси онгли равишда, сунъий танлаш йўли билан яратилган зотлардир. Бу соҳада кўплаб кузатишлар олиб борган олим П.Н. Кулишов барча зотларни гинетик жихатдан ўзаро боғланган тўрт гурппага: қадимги, ҳаммабоп, яхшиланган ва маҳаллий зотларга бўлинади.

Ҳозирги вақтда, яъни техника тараққиёти, маданият ва экономика юксак даражага кўтарилган даврда наслчилик ишларини ҳар томонлама кенг ва илмий асосда ривожлантириш натижасида чорвачиликда катта бурилиш ясалди. Бинобарин, зот типларини ҳам муайян бир системага солиш имкони вужудга келди. Шундай қилиб, зот типлари бўйича янги классификация қабул қилинган. Бу классификация талабларига кўра, барча ҳайвонлар учта йирик гурппага кириши кўрсатилган. Улар асосан: маҳаллий, маданийлаштирилган ва оралик гурппалардир.

Маҳаллий (яхшиланмаган) зот ҳайвонлар асрлар мобайнида онгсиз “сунъий ҳолда” ёки табиий танланиш натижасида, ташқи муҳит шароитига яхши мослашган, лекин маҳсулдорлиги паст ва сифати ҳам унча юқори бўлмаган, вазни кичик, лекин касалликларда чидамли ҳисобланади. Бу зот типи билан умуман наслчилик ишлари олиб борилмайди.

Ҳар бир республиканинг маҳаллий моллари бўлгани каби, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон хўжаликларида ҳам, гарчанд йил сайин камайиб бораётган бўлса-да, улар гурппаси маълум миқдорда сақланмоқда. Улар камсут бўлганлиги билан серёғ, серқаймоқ бўлади. Шунингдек, уларнинг вазни ҳам кичик (сигирлари 180-280 кг; буқалари 320-350 кг атрофида) бўлади.

Маданийлаштирилган зотлар маҳсулдорлиги юқори ва маҳсулоти сифатли бўлиши, тез етилувчанлиги, маҳсулоти таннархининг арзонлиги, болалари йирик, чидамли ва ҳаётчан бўлиши билан устун туради. Уларнинг конституцияси мустаҳкам ва пишиқ, экстеръери жихатдан йирик, катта вазнли ва серпушт бўлади.

Маданийлаштирилган зотлар узоқ йиллар мобайнида, онгли танлаш ва саралаш ишларини, наслчилик ва селекция чора-тадбирларини сифатли амалга оширилиши натижасида яратилган. Бу зотлар бир қанча линия, оила ва завод типларига эга бўлади. Лекин булар ташқи муҳит шароитига, унинг қаршиликларига жуда чидамли бўлмайди. бинобарин, уларни асраш ва боқишда нормал микро иқлим ва шароит яратиш талаб этилади. Акс ҳолда уларнинг маҳсулдорлиги пасайиб, айрим белги хусусиятлари

ёмонлашиб кетади. Бу зот моллар ирсияти анча мустаҳкам ва жуда ўзгарувчан бўлганлиги учун янада маҳсулдор моллар зотини яратишда улардан кенг фойдаланилади.

Маданийлаштирилган зотлар юқори баҳоланади. Улар дунёдаги барча мамлакатларда кенг тарқалган. Айниқса қора-ола ва симмениталь зот биздаги хўжаликларда салмоқли ўрин тутадию Ўзбекистондаги қорамолларнинг кўпчилиги маданий зотлардан иборат.

Оралиқ зотлар маҳаллий ва маданий зотлар ўртасидаги ўткинчи зот бўлиб, асосан уларнинг энг сермахсул ва юқори кўрсаткичга эга бўлганлари орасида наслчилик ишлари олиб борилади. Оралиқ зотлар маҳсулдорлигига кўра маданий зотлардан кейин туради, лекин маҳаллий зотларга нисбатан юксак даражададир. Бу группа зотлар миқдор жиҳатдан унча кўп бўлмаслиги мумкин.

Умуман қорамол зотлари асосий маҳсулоти йўналишига ва улардан максимал фойдаланиш хусусиятига кўра: серсут, гўштдор ва қўш маҳсулдор (гўштдор-серсут ва серсут-гўштдор) группаларга бўлинади. Ҳар бир зот устида наслчилик ишлари олиб борилар экан, унинг сифатлари ва маҳсулдорлиги тобора яхшиланиб боради. Акс ҳолда эса зот тубанлашиб, маҳсулдорлиги камайиб кетади, зотдорлик хусусияти йўқолади. Қорамоллар зотининг кўплиги жиҳатидан Ўзбекистон дунёда биринчи ўринда туради. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 42 та зот кўпайтирилмоқда. Шунингдек, АҚШда — 15 та, Англияда — 21 та, Францияда — 10та, Данияда — 4 та, Швейцарияда — 4 та, Голландия ва Финляндияда 3 та зот қорамол урчитилиб кўпайтирилмоқда.

Қорамол зотларининг хўжалик классификацияси.

Хўжалик классификацияси асосан қорамолларнинг етакчи ҳисобланган маҳсулотига кўра белгиланган. Шунинг учун ҳам унинг аҳамияти салмоқлидир. Хўжалик классификацияси бўйича қорамол зотлари серсут, серсут-гўштдор ёки гўштдор-серсут ва гўштдор группаларга киритилади.

Серсут қорамол зотлари орасида қора-ола ёки голланд зоти кенг тарқалган. Уларни жуда кўп мамлакатларда учратиш мумкин. Бу зотнинг серсутлиги йилига ўртача 6000 кг га тўғри келади. Лекин бу зот турли мамлакатларда турлича номланади. Масалан, Канада, Япония ва АҚШда у голштино-фриз зот деб юритилса, Англия, Францияда, Янги-Зеландия ва Австралияда — фриз зоти дейилади. Шунингдек, Польша, Швеция, Италия, Ўзбекистон каби мамлакатларда бу қора-ола зот деб аталади.

Серсут группага мансуб бўлган жерсей зот сигирларнинг сути серёғ бўлиб, у ўртача 4,5—6,0% ни ташкил қилади, лекин сути унча кўп эмас, тахминан 3300—3900 кг га тўғри келади.

Ўзбекистонда серсут қорамол зотлари анчагина кўп. Улар асосан: айршир, ангель, авлиёота, Украина окбош, Латвия қўнғир зоти, бушуев, голланд, жерсей, истобен, Дания қизил моли, Литва ва Польша зоти, чўл қизил, қизил рангли швед, эстон ва тагиль зоти, холмогор ва фин зоти, кора-ола ва Ярославль зоти ва бошқалардан иборат. Серсут зот сигирларнинг кўпидан йилига серёглик даражаси 3,7—4,0% бўлган 3000—4000 кг дан сут соғиб олинади.

Серсут-гўштдор ва гўштдор-серсут (қўш маҳсулдор) қорамол зотлари Европа, Америка ва Африка мамлакатларида кенг миқёсда кўпайтирилади. Айниқса швец зоти, симменталь ва шортгорн зоти шулар жумласидандир. Бу зот сигирларнинг энг серсут ҳисобланганларидан йилига 5000 кг гача сут соғиб олинганлиги кузатилган. Ўзбекистон областларида бу йўналишга мансуб ҳисобланган: олатов, бестужев, таргил рангли карпат зоти, кавказ таргил зоти, кострома, қизил горбат, тамбов қизил, курган ва лебедин зотлари, шунингдек украина кулранг зоти, симменталь, сичёв, швиц, шортгорн ва юрин зотлари кўпайтирилади. Бу зотларнинг қайси бир маҳсулоти (сути ёки гўшти) кўплиги хўжаликларда олиб бориладиган наслчилик ишларига ва қўйилган мақсадга боғлиқ.

Гўштдор зотлар гўштдорлиги, тез етилувчанлиги, гўшт чиқими ва унинг сифатига кўра муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлади. Бу йўналишдаги зотларнинг кенг тарқалганлари: герефорд, шортгорн (гўштдорлари), абердин-ангус, санта-гертруда, шароле кабилар ҳисобланади. Ўзбекистондаги хўжаликларда кўпроқ абердинангус, галловей, герефорд, козоки окбош, қалмоқ, лимузин, сантагертруда, шароле зотлари урчитилади.

Умуман ҳар хил маҳсулот йўналишига хос бўлган қорамолларни ривожлантиришда ва кўпайтиришда дастлаб аҳоли яшайдиган район ва зоналар ҳамда уларнинг қорамол маҳсулотларига бўлган талаби ҳисобга олинади. Масалан, серсут в серсут-гўштдор зот сигирлар асосан шаҳар атрофида, ишлаб чиқариш марказлари яқинида жойлашган ферма ва хўжаликларда боқилади, чунки шаҳар аҳолисини йил бўйи сут билан узлуксиз таъминлаш керак бўлади. Шаҳардан узоқроқда жойлашган район хўжаликларида эса сарийёғ ва пишлоқ тайёрлаш мақсадида кўпроқ серсут-гўштдор қорамол зотлари кўпайтирилади ва боқилади.

Гўштдор қорамол зотлари мумкин қадар шаҳарлардан узоқроқда, кенг яйловлари бўлган районларда, тоғ этакларига жойлашган хўжаликларда кўпайтирилади. Шунингдек, Ўзбекистонда қорамол зотларини районлаштириш ишлари амалга оширилган. Бунда ҳар бир ўлканинг иқтисодий-географик, табиий ва ишлаб чиқариш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ҳамда моллардан етиштириладиган асосий ва етакчи маҳсулот асосида, яъни зотларни зоналар ва областлараро районлаштириш планлари ишлаб чиқилган.

Серсут қорамол зотлари

Қора-ола зот. Қора-ола зот голланд зотини маҳаллий зот сигирлар билан чатиштириш натижасида яратилган. Ранги қора-ола, сигирларининг вазни 500—600 кг, наел олинадиган буқалариники 850—950 кг. Сигирларининг сут маҳсулдорлиги йилига 3500—4200 кг. Сутидаги ёғ миқдори 3,7%, оқсил 3,15—3,40%.

Бу зот асосан Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Литва, Эстония, Латвия республикаларида ва Красноярск, Приморье ўлкаларидаги хўжаликларда ҳамда Саратов, Волгоград, Вологда, Ленинград, Москва, Калинин, Горький, Калуга, Рязань, Тула, Псков, Пермь, Свердловск, Челябинск, Кемерово, Киров областларида, шунингдек, Тюмень, Томск, Иркутск, Новосибирск областларида ва Карелия Ўзбекистондаги хўжаликларда районлаштирилган.

Қора-ола зотнинг сигирлари йирик вазни бўлиб, елини яхши ривожланган, елин сўрғичлари цилидрсимон шаклда, териси юпка, эластик, юмшоқ жун билан қопланган. Бузоқларининг туғилгандаги вазни 32—40 кг. Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг 200 дан ортиқ наслчилик заводларида, колхоз ва совхозларда бу зотининг сифатини янада яхшилаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда боқиладиган қора-ола зот сигирлар бошқа зотлар орасида серсутлигига кўра биринчи ўринда туради.

Холмогор зоти. Бу зот Архангельск губернясининг Холмогорск уездида яратилган. Сигирларининг вазни 540—580 кг, буқалариники 800—1000 кг. йилига сигирларидан 3000—4000 кг дан сут соғиб олинади. Сутининг серёғлик даражаси 3,7%. Бу зот асосан Сибирь хўжаликларида Татаристон, Ёкутистон, Удмуртияда ва Россиянинг марказий областларида боқилади. Ўзбекистондаги хўжаликларда бу зот районлаштирилмаган.

Чўл кизил зоти, Бу зот XVIII аср охири XIX аср бошларида Запорожье областида яратилган. Бу зот маҳаллий қорамол билан чўл кул ранг зотини қизил рангли остфриз зот билан мураккаб чатиштириш натижасида яратилган. Кейин улар «ўз ичида» урчитилган ва яна маҳаллий моллар билан чатиштирилган. Ранги кизил, баъзан сариқ-қизил, тўқ қизил бўлади.

Сигирларининг серсутлиги ўртача 2100—2400 кг, айрим вақтларда 4000—4500 кг, сутидаги ёғи 3,6—3,8%. Сигирларининг вазни 420—460 кг, буқалариники 800—1200 кг. Бузоқларининг туғилгандаги вазни 30—36 кг. Улар тез етилади, яхши боқилганда 6 ойлик бузоқлари 160—180 кг тош босади

Бу зот асосан Украина, Литва, Ўзбекистон, Қозоғистон республикаларида ва Краснодар, Ставрополь ўлкасида, Ростов ва Омск областларида районлаштирилган. Ҳозирги вақтда бу зотга мансуб қорамоллар 10,5 млн бошдан ортади.

Ярославль зоти. Бу зот маҳаллий молларни танлаш ва саралаш натижасида яратилган. Бу зот молларнинг ранги қора, боши оқ, кўзининг атрофи оқ рангда (кўзойнакни эслатувчи), оёқлари ҳам оқ рангда бўлади. Сигирларининг вазни 360—420 кг, буқалариники 800—900 кг. Сигирларидан йилига 2500—3000 кг дан сут соғиб олинади. Сутининг ёғлилик даражаси 3,82—4,20%. Бу зот асосан Ярославль, Волгоград, Калинин, Иваново ва ҳоказо областларда районлаштирилган. Ўзбекистонда учрамайди.

Жерсей зоти. Жерсей зот Англиянинг Жерси оролида яратилган. Бу зотнинг яратилишида Британиянинг маҳаллий сигирлари XVII—XVIII асрларда Франциядан у ерга келтирилган норманд зот буқалари билан чатиштириш ишлари олиб борилган. Умуман бу зот 200 йил мобайнида ўзаро чатиштириб, тоза ҳолда урчитилиб келинмоқда. Бу зот молларнинг ранги оч сариқ, қўнғир ва тўқ қўнғир рангда. Оёқларининг ички томони оқ, пастки қисми, думининг учлари қора рангда бўлади. Сигирларининг вазни — 360 кг, буқалариники 500—550 кг. Сигирларидан йилига 3000—3500 кг дан сут соғиб олинади. Сутда 6% гача ёғ бўлади. Бузоқларининг туғилгандаги вазни — 18—22 кг.

Бушуев зоти. Бушуев зоти Ўзбекистонда яратилган биринчи қорамол зоти ҳисобланади, у ҳам серсут моллар группасига мансуб. Бу зотнинг яратилишида республикамизнинг кўплаб чорвадор олимларининг роли каттадир. Зотнинг яратилишида (1908—1918 йилларда) рус агрономи М. М. Бушуев Россиядан келтирилган голланд зот буқалар билан маҳаллий сигирларни чатиштириш ишларини биринчи бўлиб бошлаган. Олинган дурагай бузоқлар яхши парвариш қилиниб, уларнинг урғочилари швиц зот буқалар билан ва кейинроқ яна голланд зот буқалар билан чатиштирилган. Натижада иссиқ иқлимга яхши мослашган, чидамли группа яратилган. Кейинчалик Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институти олимлари (А. А. Атбашьян ва бошқалар) бу зот группасини Бушуев зотга айлантириш учун кўп меҳнат қилганлар.

Бу зот молларнинг ранги оқ, қулоғи қора ёки жигарранг, кўзининг атрофи қора (кўзойнаксимон) тук билан қопланган. Танасида кўпинча майда қора, қизил ва малларанг доғлар учрайди.

Сигирларининг вазни 400 кг, буқалариники 700 кг атрофида. Бузоқларининг туғилгандаги вазни 20—25 кг. Сигирларининг йиллик сут миқдори 2400 кг, лекин серсут вакилларида 3500—4700 кг ва ундан ҳам кўпроқ. сут соғиб олинади. Сутдаги ёғ миқдори 3,9—4,3%. Лекин айрим ҳолларда бу кўрсаткич 5,5% гача етади. Бу зот асосан Ўзбекистоннинг айрим (масалан, Сирдарё ва бошқа) областлари хўжаликларида боқиш учун районлаштирилган.

Бушуев зотининг юқори кўрсаткичга эга бўлган сигирлари Сирдарё областидаги, № 1 «Первомаец», «Правда», Ленин ва Ильич номли колхозларда ҳамда «Красный водопад»

экспериментал хўжалигида кўпайтирилмоқда. Ҳозирги вақтда Бушуев зотининг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида улар устида наслчилик ишлари олиб борилмоқда. Бундан асосий мақсад сигирларнинг сутини янада кўпайтириш, елини ҳажмини кенгайтириш, тирик вазнини оширишдан иборат. Бу вазифаларни ҳал этиш учун зот ичида танлаш, саралаш ва тоза ҳолда чатиштириш ишлари тўғри ва планли олиб борилмоқда.

Қўш маҳсулдор (серсут-гўштдор ва гўштдор-серсут)

қорамол зотлари

Симменталь зоти. Бу зотнинг ватани Швейцария ҳисобланади. Бу зот асосан Саратов, Тамбов, Пенза, Рязань областлари хужаликларида ва Қozoғистон, Арманистон республикаларида ҳамда Олтой ва Красноярск ўлкасида, шунингдек, Шарқий Сибирь области хужаликларида боқилади. Ўзбекистонда учрамайди.

Бу зот молларнинг ранги қўнғир, кулранг ва ола. Баъзан боши ва оёқлари оқ бўлади. Сигирларининг вазни 550—600 кг, баъзан 710 кг ва ундан ҳам оғир, буқалариники 950—1200 кг. Сигирларидан 2600—3500 кг дан сут соғиб олинади. Серсут сигирлари 7300 кг ва ундан ҳам кўп сут беради. Сутдаги ёғ миқдори 3,0—3,8%. ҳозирги вақтда 20 дан ортиқ наслчилик хужаликларида шу зот устида наслчилик ишлари олиб борилмоқда.

Бузоқларининг тутилгандаги вазни 36—45 кг. 6 ойлигида 190—220 кг га етади. Гўштга боқилган бузоқларнинг гўшт чиқими 56—58%. Агар семиртириб боқилса, бу кўрсаткич 64—65% гача етади.

Швиц зоти. Бу зот Швейцариянинг тоғлик районларида яратилган. Бу зот молларнинг ранги қўнғир, баъзан оч қўнғир, баъзан тўқ, қўнғир. Камдан-кам танасида оқ ёки бошқа рангли доғлар учрайди. Сигирларининг вазни 450—520 кг, буқалариники 770—880 кг. Бузоқларининг туғилгандаги вазни 33—40 кг. Сигирларининг серсутлиги 3100—4000 кг. Энг серсут сигирлардан 7500 кг гача сут соғиб олинади. Сутдаги ёғ миқдори 3,1—4,7%

Зот ичида серсут-гўштдор қорамоллар кўпроқ учрайди. Лекин айрим хўжаликларда гўштдорлик сифатлари яхши ривожланганлари ҳам учраб туради. Бузоқлари бир ёшга кирганда вазни 260—300 кг га етади. Семизлигига кўра сўйилгандаги гўшт чиқими 50—60% ни ташкил қилади.

Швиц зоти ҳар хил иқлим шароитига яхши мослашиши ва маҳсулдор бўлганлиги туфайли Қирғизистонда, Украинада, Закавказье республикаларида ва Россиянинг марказий районларида уни маҳаллий моллар билан чатиштириш ишлари олиб борилган. Бунда маҳаллий молларни яхшилаш кўзда тутилган.

Кострома зоти. Бу зот йирик мутахассислардан С. И. Штейман, В. А. Шаумян ва Н. А. Горский раҳбарлигида Кострома областидаги колхозлар фермасида ва асосан «Караваево» наслчилик заводида яратилган. Бу зотнинг яратилишида альгаус, швиц, Ярославль, мисков ва маҳаллий зотлар иштирок этган. Бу зот Ўзбекистонда учрамайди.

Ранги оч кулранг, тўқ кулранг, баъзан қўнғир бўлади. Сигирларининг вазни 500—600 кг, буқалари 800—900 кг. Сигирларининг сут маҳсулдорлиги 4000—5000 кг. Сутидаги ёғ миқдори 3,8—3,9%. Ҳозирги вақтда бу зот 650 минг бошни ташкил қилади ва асосан Кострома, Иваново ва Владимир областлари хужаликларида боқилади. «Караваево» наслчилик хўжалигида айрим серсут сигирлар 19—22 ёшга киргунча насл берган ва бутун ҳаёти давомида берган сути 102—120 минг кг ни ташкил қилган. Масалан, «Краса» лақабли сигирдан 14 та лактация даврида 120 - 247 кг га тенг сут соғиб олинган ёки у 5050 кг ёғ демакдир.

Бу зотнинг гўштдорлик сифатлари ҳам яхши ифодаланган. 1,5—2 ёшли бичилган буқаларининг вазни 450—500 кг га етади ва сўйим чиқими 58—60% ни ташкил этади.

Олатов зоти. Бу зот Қирғизистон ва Қозоғистон республикалари хужаликларида маҳаллий жайдари сигирларни швиц зот буқалар ва кейинчалик Кострома зот буқалар билан чапиштириш натижасида вужудга келган.

Ранги қўнғир. Сигирларининг вазни 500—550 кг, айрим ҳолларда 1200 кг гача етади. Сигирлари 3200—3800 кг, серсутлари 6600 кг гача сут беради. Сутидаги ёғ миқдори 3,8%, айрим ҳолларда 4,5—4,8% гача етади. Олатов зоти кўп хусусиятларига кўра швиц зотига ўхшайди. Лекин у тоғ шароитига яхши мослашганлиги билан ажралиб туради.

Олатов зотининг гўштдорлик сифатлари яхши ривожланган. Ахталанган буқачалари суткасига 800—900 г дан семиради. Сўйим чиқими 53—55%, яхши семиртирилганлариники 60% га етади. Ҳозирги вақтда бу зот асосан Ўрта Осиё республикалари хўжаликларида боқилади. Бу зот устида ҳам кенг миқёсда наслчилик ишлари олиб борилмоқда, бунда уларнинг сут ва гўшт маҳсулдорлигини ошириш, серпұштлигини яхшилаш, етилишини тезлаштириш ишлари назарда тутилади.

Гўштдор қорамол зотлари.

Қалмоқи зот. Бу зот бундан 350 йил аввал кўчманчи қалмоқ қабилалари томонидан яратилган. Ранги қизил, қизил-ола, малла ва тарғил ҳамда қўнғир, баъзан танасида турли ранглардан иборат доғлар бўлади. Сигирларининг вазни 420—450 кг, буқалариники 600—800 кг, баъзан 900 кг гача етади. Сўйим чиқими 57— 60%. Сигирларининг серсутлиги 650—1000 кг. Сутидаги ёғ миқдори 4,2—4,4%.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда бу зот 1,5 млн бошдан иборат. Асосан Қалмоқ АССРда, Астрахань, Ростов, Актюбинск ва Жамбул областлари хўжаликларида кўпайтирилади. Ўзбекистонда жуда кам, асосан Қорақалпоғистоннинг Орол денгизига яқин бўлган хўжаликларида боқилади.

Бузоқларининг туғилгандаги вазни 22—25 кг. Улар 8 ойлигида вазни 200—220 кг га етади; 16—18 ойлигида 350—450 кг ни ташкил этади. Бичилган буқачалари суткасига 800—900 г дан семиради.

Герефорд зоти. Герефорд зоти Англияда маҳаллий молларни узок, йиллар давомида танлаш, саралаш, парвариш қилиш, яхши озиклантириш ва соф ҳолда чатиштириш натижасида яратилган. Бу зот молларнинг ранги қизил, боши, кўкрак ости, корни ва оёқлари оқ. Сигирларининг вазни 490—580 кг, буқалариники 800—850 кг, баъзан 1100 кг га етади. Сўйим чиқими 65—68%. Сигирларининг серсутлиги 1200—1400 кг, сутдаги ёғ миқдори 3,9—4,0%. Бу зот асосан Ростов областида, Ставрополь ўлкасида, Қозоғистонда ва Ўрта Осиё республикаларида боқилади. Бу зот Ўзбекистонга 1928—1932 йиллари келтирилган.

Герефорд зотининг танаси типик гўштдор йўналишга мансубдир. Боши кичик, бўйни калта ва йўғон, оёқлари ҳам калта ва йўғон. Еган озиғи танасида гўшт ҳосил бўлишига сарфланади. Бузоқларининг туғилгандаги вазни 28—34 кг. 18 ойлик ғунажинлари 400—450 кг келади. 12 ойлик бичилган буқачаларининг вазни 420—440 кг га тенг. Гўшти жуда сифатли ва майин, «мармар» кўринишда.

Бу зот қозоқи оқбош зотини яратишда муҳим роль ўйнаган.

Қозоқи оқбош зоти. Бу зот Қозоғистоннинг, шунингдек, Оренбург, Волгоград ва Саратов областларининг сахро зоналари территориясида яратилган. Бу зотнинг яратилишида асосан Қозоғистоннинг жайдари сигирлари қалмоқ, ва герефорд зот буқалар билан чатиштирилган. Олинган дурагайлар яна бир-бири билан чатиштирилган.

Ранги кизил, лекин боши, бўйнининг ости ва оёқлари оқ бўлади. Сигирларининг вазни 500—550 кг, буқалариники 850—950 кг, баъзан 1000 кг келади. Сўйим чиқими 53—63%, баъзан 70% гача етади. Гўшти «мармарсимон», юмшоқ, юқори сифатли. Сигирларининг серсутлиги 2200—2500 кг га етади. Сутининг ёғлилиги 4,0% атрофида.

Ҳозирги вақтда бу зотга мансуб моллар 1 млн бош атрофида бўлиб, асосан Қозоғистонда, Оренбург, Саратов, Волгоград областларида ва Урта Осиё республикаларида боқилади. Бузоқларининг туғилгандаги вазни 27—30 кг, 8 ойлигида 220—240 кг га етади. Бичилган буқачалари суткасига 800—900 г дан семиради.

Шортгорн зоти (гўштдор типи). Бу зотнинг ватани Англия ҳисобланади. Лекин гўштдорлик сифатлари юқори ва тез етилувчан бўлганлиги учун бу зот кўплаб АҚШга,

Янги Зеландияга ва Австралияга олиб кетилган. Россияга эса ўтган аернинг ўрталарида олиб келинган.

Ранги ҳар хил. Кўпроқ қизил-сарик ва малла ранглилари учрайди. Сигирларининг вазни 500—600 кг (баъзан 650 кг), буқалариники 800—900 кг, баъзан 1250 кг келадиганлари ҳам учрайди. Сўйим чиқими 58—63%- Сигирларининг сут маҳсулдорлиги 2700—3000 кг. Сутининг ёглилиги 3,8—3,9%. Асосан Ростов области хўжаликларида кўпайтирилади.

Абердин-ангус зоти. Бу зот Англияда яратилган. Ранги қора, шохеиз. Сигирларининг вазни 560—600 кг, буқалариники 800—900 кг. Бу зот тез етилувчан, гўшти юмшоқ, «мармарсимон», сифати ва калорияси юқори бўлади. Сўйим чиқими 65—66%, баъзан 70%. Сигирларидан 1200—1500 кг сут соғиб олинади, сутидаги ёғ миқдори 4,0—4,5%.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда бу моллар 18 минг бошдан ошиб кетган. Бу зот асосан Волгоград ва Оренбург областларида, Ставрополь, Олтой ва Красноярск ўлкаларида ҳамда Кабардино-Балқария республикасида, Қозоғистон, Украинада ва Ўрта Осиёнинг айрим республикаларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам боқилади.

Бузоқларининг туғилгандаги вазни 24—27 кг. Сутдан чиқарилган бузоқлари 190—210 кг келади. Ўзбекистонда ҳам, бошқа республикаларда бўлгани каби, абердин-ангус зотини маҳаллий сигирлар билан чатиштириб, гўштдор дурагай моллар етиштирилмоқда. Дурагайларнинг гўштдорлик сифатлари яхши ифодаланган бўлади.

Шароле зоти. Бу зот Францияда яратилган. Ранги малла-сарғиш, шохи, туёқлари оч жигарранг. Жуни ўсиқ, лекин нозик. Сигирларининг вазни 700—800 кг, буқалариники 1000—1200 кг. Сўйим чиқими 65—70%. Сигирларининг серсутлиги 1000—1200 кг, сутидаги ёғи 3,0—4,1%.

Шароле зоти Ўзбекистонда мўътадил ва нам иқлим зоналарида кўпайтирилади. Бузоқларининг туғилгандаги вазни 38—48 кг. 4 ойлигида ПО—140 кг га, 6 ойлигида 210—260 кг га етади. Бузоқлари суткасига 940—1300 г дан семиради. Гўшт сифатли, юмшоқ, «мармарсимон». Бўрдоқига боқилган бир ёшли буқачаларининг вазни 450—500 кг, 18 ойлигида 610—620 кг бўлади. Бу зот дастлаб 1917 йили Украинага келтирилган бўлиб, у ерда Украина кулранг қорамоли билан чатиштирилган. Олинган дурагай моллар жуда гўштдор бўлган.

Санта-гертруда зоти. Санта-гертруда зоти АҚШнинг санта-гертруда округида яратилган, нисбатан янги, гўштдор зот ҳисобланади. Бу зот моллар чидамлилиги, иссиқ иқлим шароитига, боқиш ва асраш шароитига тез мослашиши, етилувчанлиги, бузоқлари

жадал ўсиб-ривожланиши ва гўштининг сифатига кўра айрим зотлардан анча устун туради.

Бу зот молларнинг ранги тўқ кизил. Сигирларининг вазни 500—550 кг, букаларники 800 кг, баъзан 1000 кг га етади. Сўйим чиқими 60—65%, Ўзбекистонда бу зот асосан Қозоғистон, Украинада ва Ўрта Осиё республикаларида, шунингдек, Россиянинг айрим областларида боқилади.

Бузоқларининг туғилгандаги вазни 29—30 кг, 8 ойлигида, яъни сутдан чиқарилган вақтда 220—240 кг га етади. 1,5 ёшлигида вазни ўртача 400 кг га тўғри келади. Бир ёшли бузоқлари суткасига 1000—1200 г дан семиради. ЁЗНИНГ иссиқ кунларида ҳам уларнинг суткалик семириши юқори даражада бўлади. Сигирларининг сут маҳсулдорлиги паст. Улар суткасига 5—10 кг сут беради. Сутдаги ёғ 4,6%, баъзан 6% бўлади.

Санта-гертруда зоти Ўзбекистон Чорвачилик илмий-текшириш института олимлари томонидан Жиззах области хўжаликларида ва Қорақалпоғистонда кўпайтирилмоқда ҳамда юқори натижаларга эришилмоқда.

Зотларни районлаштириш принциплари.

Қорамолларнинг маҳсулот йўналиши, улардан олинadиган маҳсулот турлари, миқдори ва ҳоказоларга кўра, уларни нормал даражада, талаб этилган кўрсатмалар асосида, планли равишда районлаштириш муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга. Чунки бунда молларнинг маҳсулдорлик даражаси, маҳсулот тури, қиммати, таннархи, сифати, аҳолининг унга бўлган эҳтиёжи, шунингдек, ҳар бир зот ёки йўналишнинг ривожланиши, кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўпроқ маҳсулот олиш масалалари диққат марказида туради.

Зотларни районлаштиришнинг биринчи плани 1938 йили академик Е. Ф. Лискун раҳбарлигида ва проф. Н. Б. Цирельсон иштирокида Ўзбекистон Наркомзем томонидан биргаликда яратилган. Бу план бўйича қорамоллар наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш ва мавжуд зотларни барча республика, ўлка, зона ва районларга тақсимлаш кўзда тутилган эди. Зотларни районлаштириш уларни урчитиш, кўпайтириш, такомиллаштириш, маҳсулдорлигини оширишга қаратилган бўлиб, ем-хашак базасининг яхшиланиши, молларни боқиш усулларининг такомиллаштирилиши, янги ерлар ўзлаштирилиши, янги зотлар яратилиши ва ҳоказоларга боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин.

Умуман қорамолларнинг ҳар бир зоти муайян табиий зона ва районлар шароитига яхши мослашганлиги муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Бунда ҳаво температураси, йиллик ёғин-сочин миқдори, ем-хашак базаси ва турли хилдаги экологик ҳамда биологик шароит муҳим омиллар сифатида ҳисобга олинади.

Қорамол зотлари хўжалик-фойдали сифат ва белги-хусусиятларини сақлаши учун улар ҳамма вақт яхши боқилиши ва парвариш қилиниши керак. Шундагина улар яхши урчийди, сигирлари қисир қолмайди, бузоқларнинг ўсиш тезлиги жадаллашади ва улар турли хилдаги касалликларга учрамайди. Бинобарин заруратга қараб, бирор зот бир зонадан иккинчи зонага кўчирилганда ҳам барча чора-тадбирлар тўғри ва ўз вақтида амалга оширилса, уларнинг маҳсулдорлиги пасайиб кетмайди. Уларни иқлимлаштириш ишларини планли равишда олиб бориш ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга.

Қорамол зотларини районлаштириш борасида Ўзбекистонда асосан қуйидаги тўрт зона белгиланган:

I зона. Сутчилик, кўпинча, қаймоғи олинмаган сутчилик, қисман гўшт-сут учун мол боқилади а н зона. Бу зонага асосан Ленинград, Москва, Калинин, Тула, Калуга, Псков, Новгород, Горький, Владимир, Рязань, Свердлов ва Мурманск областлари киради.

II зона. Сутчилик, сут-гўшт учун мол боқиладиган ва ёғ тайёрланадиган зона. Бу зонага Омск, Тюмень, Новосибирск, Архангельск, Вологда областлари ва Белоруссия республикаси, Балтика бўйи иттифокдош республикалари киради.

III зона. Сут-гўшт учун мол боқиладиган, ёғ ва пишлоқ тайёрланадиган зона. Бу зонага Украина, Молдавия, Закавказье ва Ўрта Осиё республикаларининг районлари ва Узоқ Шарқ, Волга бўйи, Грозний области районлари, Краснодар ўлкаси, Доғистон ва бошқалар киради.

IV зона. Гўшт ва гўшт-сут учун мол боқиладиган зона. Бу зонага Ставрополь ўлкаси, Волгоград, Астрахань областлари ва Қозоғистон киради.

Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароитида зотларнинг табиий-иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қорамол зотларини районлаштириш планлари тузиб чиқилган. Маълумки, республикамизда қорамолчиликни ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Масалан, тоғлар ва тоғ этаклари, дашт ва ярим дашт, шунингдек, лалмикор ерлардан унумли фойдаланиш имкониятлари жуда катта. Бу ерларда мол боқиш, беда, кунгабоқар, маккажўхори, хашаки полиз экинлари, илдизмевали озиклар экилиши ва улар хосилдорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Умуман, республикамизда қорамолчиликни ривожлантириш борасида тўрт зона белгиланган.

1. Суғориладиган зона. Бу зона барча областлардаги пахта экиладиган районлардан ташкил топган. Бу зонада сут-гўшт йўналишидаги қорамолчилик ривожлантирилиши назарда тутилади. Бу зонада қора-ола, чўл қизил зоти, швиц, бушуев каби зотларни кўпайтириш планлаштирилган.

Бу зонада қорамолчиликни жадал ривожлантириш учун бир қанча тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Масалан, маҳаллий молларни маданий зотлар билан чатиштириб, кўплаб сермахсул дурагайлар етиштириш; фермаларда молларни танлаш ва саралаш ҳамда наслчилик ишларини кучайтириш, моллар зотдорлигини ошириш, сут махсулдорлигини кўпайтириш, бузоқлар парваришига эътиборни кучайтириш каби масалалар шулар жумласидандир.

2. Лалмикор деҳқончилик зонаси. Бунга ерлари бошоқдош ғалла экинлари ўстириш мақсадида фойдаланиладиган тоғ этаклари, тоғли районлар, ярим дашт майдонларнинг чўл қисми киради. Бинобарин, бундай зонага жойлашган хўжаликларда **гўшт** етиштиришга ва ёғ, пишлоқ тайёрлашга мослашган гўшт-сут йўналишидаги зотларни кўпайтириш лозим ҳисобланади. Бу ерлардаги маҳаллий молларни швиц, олатов, қозоқи оқбош ва санта-гертруда зот буқалари билан чатиштириб, наслини яхшилаш муҳим вазифа ҳисобланади.

3. Дашт-яйловли зона. Бу зона деҳқончиликка мутлақо ярамайдиган чала даштдан ташкил топган ер массивларини ўз ичига олади. Бундай зона ерлари асосан қўй-эчки ва туяларни боқиш учун ўтлоқ сифатида фойдаланилади. У ерда чучук сув бўлмаслиги, яйлов ўтлари сиираклиги, кунлар исиб кетганда қовжираб қолиши, сунъий, яйловларни ташкил қилиш имкони бўлмаганлиги учун бу зонада қорамол боқиш планлаштирилмайди. Бинобарин, бу зона қоракўлчилик учун жуда қулай ҳисобланади.

4. Шаҳар атрофи зонаси. Бу зонада яйловлар бўлмаслиги, аҳоли зич жойлашганлиги ва ёғи олинмаган сутга эҳтиёж катталиги туфайли асосан серсут қорамол зотлари боқилади ва кўпайтирилади. Бунда ҳар бир сигирдан максимал даражада сифатли ва арзон сут соғиб олиш, моллар зотини яхшилаш, йирик сутчилик комплекслари қуриш ишлари асосий диққат марказида бўлади.

Шундай қилиб, мол зотларини районлаштириш ишлари муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган тадбир ҳисобланади, уни қатъий, ўзгармайди деб бўлмайди. Аҳоли эҳтиёжининг, табиий ресурсларнинг ўзгариши, яйловларнинг ўзлаштирилиши, янги ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилиши ва ҳоказоларга боғлиқ ҳолда бу тадбир ҳам ўзгариб бориши табиийдир.

II. БОБ. ЮҚОРИ СИФАТЛИ ҚОРАМОЛЛАР ГЎШТИ ЕТИШТИРИШДА БУЗОҚЛАР ЗОТИНИНГ РОЛИНИ ЎРГАНИШ МАТЕРИАЛИ ВА УСУЛЛАРИ.

Халқимизнинг чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун чорвачиликнинг барча тармовқларини жадал ривожлантириб, сифатли ва арзон маҳсулотларни кўпроқ етиштириш талаб этилади. Бунинг учун чорва маҳсулотларини етиштириш технологиясини янгилаш ва такомиллаштириш, ҳар бир зона учун мос бўлган моллар зотини танлаш, яратиш ва зооветеренария талаблари асосида самарадорликни ошириш ҳисобига маҳсулот таннарини арзонлаштириш ғоят муҳимдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб бажарилган ушбу магистрлик диссертациясининг илмий тадқиқот ишларида Фарғона вилояти Қўштепа тумани “Шукурдавлат” хусусий фермасида боқилаётган 100 бошдан зиёд 1.5 – 2.0 ёшли эркак бузоқлар ҳамда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси чорвачилик бўлимининг 2009 – 2010 йиллардаги статистик ҳисоботидан олинган маълумотлар магистрлик диссертациясининг асосий материали сифатида олинди.

Диссертация ишини бажариш учун танланган хусусий фермада қорамоллар тури, ёши, тирик вазни, ориқ ёки семизлиги, уларнинг физиологик ҳолатига қараб қатъий кун тартиби ва белгиланган рацион асосида боқилди.

Тажриба ўтказиш учун хўжаликда сунъий уруғлантириш йўли билан олинган эркак бузоқчалардан ҳар бирида 15 бошдан 3 та гуруҳ тузилди. (1-жадвал).

1-жадвал

Магистрлик диссертациясининг тажриба схемаси

пп	Бузоқлар зоти	гуруҳ	бош сони (бош)	ёши(кунлик)	тирик вазни (кг)
1	Қора-ола (назорат)	I	15	20-25	30-35
2	Дурагай (қора-ола х шароле)	II	15	20-25	30-35
3	Дурагай (қора-ола х санта-гертруда)	III	15	20-25	30-35

Шукурдавлат хусусий фермасидаги 1.5-2.0 ёшли ва ўсиш ёшидаги эркак бузоқларни ўсиши ва ривожланишини жадаллаштириш, маҳсулдорлигини оширишнинг янги технологиясини яратиш, улар маҳсулдорлигини ошириш ва сифатини яхшилашда бузоқлар зотининг ролини ўрганиш магистрлик диссертациясининг тадқиқот усуллари қилиб олинди.

2.1. Бузоқларни боқиш меъёри ва сақлаш.

Қорамоллар нормал ўсиши, ривожланиши, соғлом бўлиши ва улардан сифатли кўп маҳсулот олиш учун улар организмнинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи тўла кондирилиши керак. Агар озиқ моддалар етарли даражада бўлмаса, организмдаги барча физиологик жараёнлар сусаяди, ҳайвон ўсишдан тўхтади, секин ривожланади, маҳсулдорлиги пасайиб кетади. Шу билан бирга уларга ҳаддан ташқари кўп ем-хашак берилса, озиқнинг бир қисми исроф бўлади, уларнинг семириши ва олинадиган маҳсулот қимматлашиб кетади. Бинобарин, олимлар ва мутахассислар ҳайвонларнинг ёши, жинси, узиш тезлиги, ривожланиши, маҳсулдорлигининг ошиши ва индивидуал хусусиятларини ҳамда улар организмнинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда барча турдаги қишлоқ. хўжалик ҳайвоилари, паррандалар, шу жумладан, қорамоллар учун озиқ нормасини ишлаб чиққанлар.

Норма ва рацион. Физиологик ҳолати, маҳсулдорлиги ва хўжаликда фойдаланилиш хусусиятларига кўра, ҳайвон организмнинг озиқ моддалар миқдорида бўлган талаби *озиқ нормаси* деб аталади. Мамлакатимизда ҳайвонларнинг тури, ёши, вазни, ориқ-семизлиги, олинадиган маҳсулот миқдори ва сифати, шунингдек, физиологик ҳолатига қараб ҳар хил озиқ нормалари ишлаб чиқилган. Озиқ нормалари молларни озиқлантириш кўрсаткичларига кўра ифодаланади. Масалан, озиқ бирлиги ҳисобида энергия билан таъминланишга ҳазм бўладиган протеин, каротин, кальций, фосфор ва ош тузи кабиларнинг етарли миқдорда бўлиши асос қилиб олинади.

Чорвачилик маҳсулстлари етиштиришда, уларнинг сифатини яхшилаш ва таннархини арзоилаштиришда, шунингдек, рационни тўғри тузишда озиқ нормаси асос қилиб олинади. Шунга кўра, хўжаликларда молларнинг ёши, сони, таркиби, маҳсулдорлиги ва ҳоказоларга қараб улар қанча озиқ (ем-хашак) талаб қилишини планлаштириш мумкин.

Молларнинг озиқ нормасини белгилаш ва ишлаб чиқиш масалалари билан узок йиллар мобайнида шуғулланилган ва у ҳар томонлама асосланган ҳолда ўрганилган. Бинобарин, ҳозирги вақтда илмий жиҳатдан асосланган, илғор тажрибалар асосида тасдиқланган озиқ нормалари ишлаб чиқилган ва чорвачилик хўжаликларида амалда жорий этилган. Бунда бериладиган озиқ бирлигига, ҳазм бўладиган протеин, ош тузи, кальций, фосфор, каротин миқдорида, шунингдек, рациондаги микроэлементлар ҳамда қанд-протеин ва кислота — ишқорлар нисбатига алоҳида эътибор берилади.

Кейинги йилларда молларнинг ёши, жинси, маҳсулдорлиги ва ҳоказоларга кўра уларнинг ем-хашакдан оладиган энергиясига қараб норма белгилаш ишлари авж олди.

Шунингдек, молларни аминокислоталарга, зарур ёғ кислоталарга, макро ва микроэлементларга ҳамда витаминларга булган талабига қараб норма белгилаш ишлари анчагина яхши ва тўғри йўлга қўйилган.

Шундай қилиб, озиқ нормасини тузишда ҳайвонларнинг бир сутка давомида озиқ моддаларга бўлган талаби ҳисобга олинса, рацион тузишда — нормада белгиланган кўрсаткичларга кўра молларнинг эҳтиёжини қўндира оладиган ем-хашак тури ва миқдори олинади, яъни аввал норма белгиланиб, кейин рацион тузилади. Масалан, соғин сигирларга планлаштирилган рациондаги 1 озиқ бирлигида 100—110 г ҳазм бўладиган протеин, буғоз сигирларникида 120 г ҳамда 6,5—7,0 ва 10—12 г кальций, 4,5 ва 6,0—7,0 г фосфор, 40—50 мг каротин ва 7,0—7,5 г ош тузи бўлиши керак.

Соғин сигирларнинг озиқ нормасини белгилашда улар ўртача семизликда бўлиши назарда тутилади. Лекин сигирлар ориқ бўлса, қўшимча равишда 1—2 озиқ бирлиги ва 110—120 г ҳазм бўладиган протеин бериш тавсия этилади. Соғин сигирлар ва барча турдаги моллар учун озиқ нормаларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Чорвачилик илмий-текшириш институти олимлари томонидан бир қанча тавсиялар берилган. Қуйида уларнинг айримлари билан танишамиз.

Шундан қилиб, озиқ нормасида моллар бир суткада талаб қиладиган озиқ моддалар, озиқ рационда эса ҳайвоннинг нормада кўрсатилган озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун қайси ем-хашакдан қанча миқдорда бериш кераклиги кўрсатилган. Аввал озиқ нормаси, сўнгра озиқ рацион, яъни молларга бир суткада берилиши керак бўлган ем-хашак жадвалини тузиш мумкин. Озиқ нормаси ўрта меъёрда бўлганда ҳайвонларнинг индивидуал кўрсаткичлари ва хусусиятлари ҳисобга олинмайди, лекин доим унга айрим қўшимча ва ўзгартишлар киритилиб боради.

Рацион озиқ нормасида кўрсатилган озиқлар миқдорида, турига, уларнинг тўйимлилигига ва бир сутка мобайнида организм эҳтиёжини қондириш мақсадида талаб этиладиган умумий ем-хашак миқдорида асосланган ҳолда тузилади. Шундай қилиб, озиқ нормаси асосида, ўз таркибида барча озиқ моддалар етарли бўлган ва ҳайвон организмнинг суткалик эҳтиёжини қондира оладиган ем-хашак миқдори *рацион* дейилади. Рацион тузиш учун қуйидаги маълумотларга эга бўлиш керак: ҳайвоннинг вазни, маҳсулдорлиги, ёши, физиологик ҳолати, ориқ-семизлиги, шунингдек, озиқнинг суткалик нормаси; ҳўжаликда мавжуд ем-хашак турлари ҳам ҳисобга олинган.

Рацион тузишда соғин сигирларнинг сут маҳсулдорлиги асосий диққат марказида бўлиши лозим. Акс ҳолда сигирларга норма асосида рацион тузилмаса, уларнинг сути камайиб кетади. Серсут сигирларнинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи кам ёки ўртача сут берадиган сигирларникига қараганда юкори бўлади. Ўзбекистон Чорвачилик илмий-

текшириш институти олимлари томонидан олиб борилган кузатишларга қараганда, суткасига 10 л сут соғиб олинадиган сигирлар сути билан 330 г оксил, 380 г ёғ, 475 г сут шакари, 14 г кальций, 11 г фосфор ва 5,5 г ош тузи ажралиб чиқар экан. Шунингдек, вазни 500 кг ва суткалик сут миқдори 12—16 кг бўлган сигирлар суткасига 10,5—12,5 озиқ бирлиги, 1000—1500 г ҳазм бўладиган протеин, 70—100 г кальций, 55—80 г фосфор, 40—80 г ош тузи, 150—175 мг каротин олиши керак. Ҳар килограмм сути учун 25 мг қўшимча каротин бериш керак.

Шундай қилиб, соғин сигирларга рацион тузишда уларнинг нормал яшаш ва маҳсулот ҳосил қилиши учун озиқ бирлиги ва барча озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олиниши шарт.

Қорамоллар учун рацион тузишда аввал хашак (пичан), сўнгра серсув озиқлар киритилиб, сўнгра етишмай қолган озиқлар ем ҳисобига тўлдирилади. Бинобарин, хўжаликдаги ем планли равишда ва қисман бўлса-да тежаб сарфланиши керак.

Озиқ бирлиги. Ем-хашак ва турли хил озиқ моддаларнинг тўйимлилигини баҳолаш учун бир килограмм сулининг тўйимлилик даражаси, организмга берадиган қуввати ўлчов (озиқ) бирлиги қилиб қабул қилинган. Рацион тузишда бошқа турдаги ем-хашакларнинг тўйимлилиги шу бирликка таққосланган ҳолда олинади. Ем-хашаклар таркибида озиқ бирлиги ҳар хил миқдорда бўлади. Масалан, 1 кг арпада — 1,2; 1 кг кунжарада — 1,15; 1 кг похолда — 0,3; 1 кг қуруқ беда пичанида — 0,45—0,50; 1 кг хашаки лавлагида — 0,11—0,15 озиқ бирлиги бўлиши аниқланган.

Чорвачиликдаги барча турдаги ем-хашакларни озиқ birlikларига қараб баҳолаш уларнинг фақат умумий тўйимлилигини ифодалайди. Бинобарин, ҳар бир озиқ турининг таркибидаги энг муҳим минерал моддалар, протеин, каротин ва витаминлар миқдори эса умумий қўлланма — жадваллардан, справочниклардан олинади.

Шундай қилиб, озиқларнинг (ем-хашакнинг) тўйимлилигини аниқлашда ўлчов бирлиги сифатида озиқ бирлиги қабул қилинган. Шунингдек, организмда ҳазм бўлган моддаларнинг ҳаммаси маҳсулот ҳосил бўлиши учун сарфланавермайди. Ҳосил бўлган энергиянинг бир қисми тана температурасининг доимийлигини сақлаб туришда, организмнинг ҳаракати учун, овқат ҳазм қилиши учун ва ҳоказоларга сарфланади. Ҳазм бўлган озиқнинг фақат бир қисми озиқнинг тўйимлилик қиймати сифатида, организмда маҳсулот тайёрлаш учун сарфланади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистонда 1 кг сулининг тўйимлилиги озиқ бирлиги сифатида қабул қилинган. Шунингдек, бунда ўртача сифатли 1 кг сулини ҳўкизга (саломатлигини сақлаш учун бериладиган озиқ) асосий рациондан ташқари берилганда унинг танасида (сули ҳисобига) 150 г ёғ ҳосил бўлган. Шунга кўра, бошқа турдаги ем-

хашакларнинг тўйимлилиги планлаштирилади. Масалан, ҳўкизларга асосий рациондаги ем-хашакларга қўшимча ҳолда 1 кг беда пичани берилганда 75 г ёғ ҳосил бўлган, яъни у сулига нисбатан 50% ни ташкил қилган ёки 0,5 озик бирлигини ташкил қилган. 1 кг маккажўхори силоси 30 г ёғ ҳосил қилган, бошқача қилиб айтганда, у 0,2 озик бирлигига тенг экан. Шунинг учун сулининг тўйимлилиги асосий озик бирлиги қилиб қабул қилинган.

Республикамиз чорвачилигида кўп фойдаланиладиган ем-хашак турларининг озик бирлиги ва таркибидаги химиявий элементлар миқдори қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

Рацион тузишнинг асосий принциплари. Рацион молларга бериладиган суткалик ем-хашак миқдори бўлиб, озик нормаси асосида ва молларнинг озик ҳазм қилиш физиологиясини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Улар қуйидагилар:

1. Рационга киритиладиган ем-хашакнинг тўйимлилиги ва сифати ҳайвоннинг озик моддаларга бўлган эҳтиёжини қондирадиган бўлиши керак. Бунда ҳайвоннинг маҳсулдорлиги, ёши, ориқ семизлиги, ва физиологик ҳолати албатта ҳисобга олинади.

2. Рацион таркибидаги дағал озиклар миқдори етарли даражада бўлиши керак. Шунингдек, улар таркибидаги асосий химиявий элементлар: протеин, углеводлар, макро- ва микроэлементлар, витаминлар етарли бўлиши талаб этилади.

3. Рационга ҳар хил ем-хашаклар киритилиши керак. Масалан, соғин сигирлар рационда серсув озиклардан маккажўхори силоси, илдизмевалар, кўк ўт қабила бўлиши, биринчидан, овқат ҳазм қилиш органлари фаолиятини яхшиласа, иккинчидан, сутини кўпайтиради. Шунингдек, дағал озиклардан беда пичани, сифатли сомон, шулха ҳамда етарли миқдорда сифатли концентрат озиклар бўлиши керак. Ана шуларга амал қилингандагина ҳайвонлар учун тузилган рацион тўғри ва самарали бўлади.

Қорамоллар рационига бўлган талаблар. Қорамоллар учун рацион тузиш вақтида ем-хашак турларининг таркиби, хусусияти, ҳайвонлар томонидан истеъмол қилиниши, тўйимлилиги, ҳўжаликдаги миқдори, қиммати ва ҳоказолар ҳисобга олиниши керак. Ҳар бир ем-хашак турини рационга киритган вақтда унинг моллар томонидан тўла истеъмол қилиниши, нишхўрдга чиқарилмаслиги ва ҳайвоннинг соғлиғига фақат ижобий таъсир кўрсатишини назарда тутиш керак.

Бузоқлар учун рацион тузишда уларнинг ўсиш ва семириш тезлиги, тез етилувчанлиги ва семиртиришнинг арзонга тушиши ҳисобга олиниши керак. Масалан, ёш бузоқларни боқишда маълум даражада сигир сути сарфлаб, асосан кўкат, дағал, серсув озиклар ва емдан унумли фойдаланиш уларнинг тез ва жадал ўсишини таъминлайди. Бундай бузоқларнинг суяк-мускул тўқимаси тез ривожланади, овқат ҳазм қилиш органлари кўп миқдордаги ем-хашакни яхши ва тез ўзлаштиришга мослашади ҳамда

улардан келажакда юқори кўрсаткичларга эга бўлган наслдор буқалар ва серсут сигирлар етиштирилади.

Қорамоллар рационаси асосан арзон ва ҳар хил ем-хашакдан ташкил топиши мақсадга мувофиқдир, чунки баъзи турдаги емхашак таркибида етишмайдиган баъзи айрим элементлар бошқа турдаги ем-хашак ҳисобига тўлдирилади ва ниҳоят уларни қорамоллар хуш кўриб ейди. Шунингдек, рацион тузишда хўжаликнинг хусусияти, табиий ва иқлим шароити иқтисодий кўрсаткичлари, ем-хашак етиштириш имконияти ва ҳоказолар ҳам сўзсиз ҳисобга олиниши керак.

Қорамоллар рационини ҳар бири учун индивидуал, яъни барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёки группа моллар учун умумий ҳолда тузиш мумкин. Лекин индивидуал рационлар тузиш ва унга тўла риоя қилиш сут-товар фермаларида ва йирик комплексларда жуда мураккаб жараён ҳисобланади.

Рационларни «умумий» тузишда хайвонларнинг барча кўрсаткичлари (махсулдорлиги, вазни, ёши, ориқ-семизлиги, физиологик ҳолати ва ҳоказолар) деярли бир хил ёки бир-бирига яқин бўлиши керак. Шундагина тузилган «умумий» рацион ижобий натижа беради. Бунда соғин сигирларнинг суткалик сут миқдори бир-бириникидан фақат 2—3 кг га фарқ қилиши мумкин, лекин молларнинг тирик вазни орасидаги фарқ 50 кг дан ошмаслиги керак. Бу фарқ катта бўлса, уларни махсус бир неча группага ажратиб, ҳар қайси группа учун алоҳида рацион тузиш керак.

Қорамолларни озиқлантириш типлари. Қорамолларни йил бўйи тўйимли ва сифатли ем-хашак билан боқиш учун йил фасллари бўйича улардан тўғри фойдаланиш керак. Умуман кўп миқдорда сифатли сут етиштиришда рационга алоҳида эътибор бериш керак. Бунда озиқлантириш типлари муҳим роль ўйнайди. Булар: / — *дағал* озиқлардан ташкил топган озиқлантириш типи; // — *серсус* озиқлардан ташкил топган озиқлантириш типи; /// — *кўк ўтлардан* ташкил топган озиқлантириш типларидир. Бу учала озиқлантириш типидан фойдаланганда маълум миқдорда ем-концентрат озиқ ҳам ишлатилади. Булардан ташқари, ем-концентрат озиқлардан ташкил топган тип бўлиб, у хўжаликлар учун жуда қимматга тушади, чунки бунда соғиб олинadиган ҳар 1 л сут ҳисобига ўртача 500 г дан ем-концентрат сарфланади. Бу эса сутнинг таннархини жуда қимматлаштириб юборади. Шунинг учун бу усулда боқиш амалда деярли қўлланилмайди.

Қорамоллар бошвоқсиз (боғламай, махсус катакларда) асралганда, уларни ёши, махсулдорлиги, вазни ва ҳоказоларга кўра группаларга ажратиб, силос ва дағал озиқлардан Ташкил топган озиқлантириш типидан боқиш ҳар томонлама қулай бўлиб, иқтисодий афзалликка эга.

Соғин сигирлар учун серсув, дағал ва кўк ўтлардан ташкил топган озиқлантириш типлари қулай эканлиги кўпгина кузатишларда аниқланган. Айниқса рацион таркибида силос, илдизмевалар, кўк ўт кабилар бўлиши фақат сут маҳсулдорлигини оширмасдан, балки овқат ҳазм бўлишини ҳам яхшилайти ва соғин сигирлар сутини оширади. Лекин рационда серсув озиқлар билан бир қаторда дағал озиқлар — пичан ва сомон бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда дағал озиқ билан серсув озиқларнинг нисбати ўзгариши мумкин, яъни рационда серсув озиқлар қанча кўп бўлса, дағал озиқ шунча кам бўлиши керак ва аксинча. Масалан, рационда серсув озиқлар миқдори сигирларнинг ҳар 100 кг вазни ҳисобига 3 кг дан, жами 8—10 кг гача бўлганда дағал озиқ. миқдорда 2,5 кг дан 1 — 1,5 кг гача камайтирилади. Бунда серсув озиқлар миқдори 50—70%, дағал озиқлар 50% бўлиши мумкин.

Қорамоллар рацион таркибида ҳазм бўладиган протеин миқдори нормада бўлишига алоҳида эътибор бериш керак. Соғин сигирлар рационда 1 озиқ бирлиги ҳисобига ўртача 105—120 г ҳазм бўладиган протеин бўлиши керак.

Ем-концентрат озиқлар ҳам рацион таркибида ўз аксини топиши ва улар миқдори камайтириб кетмаслиги керак, яъни соғиб олинадиган ҳар 1 кг сут учун 100 г ем планлаштириш мумкин. Шунингдек, 10 кг сут берадиган сигирларга ҳар 1 кг сут учун суткасига 100—120 г; 10—15 кг сут берадиган сигирларга 100—150 г, 15—20 кг берадиганларга 150—200 г ва 25—30 кг ва ундан кўп сут берадиганларга 250—300 г ем бериш мумкин. Бунга асосий сабаб, серсут сигирлар организмидан сут билан бирга жуда кўп миқдорда оксиллар, ёғлар, углеводлар ва минерал тузлар эритмалари чиқиб кетади, уларнинг ўрнини тўлдиришда ем-концентрат озиқлар муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Чорвачилик илмий-текшириш институти олимлари томонидан олиб борилган кузатишлар натижасига кўра, қорамоллар силос-илдизмева ва силос-пичан типдаги рацион асосида боқилганда, уларнинг ҳар 100 кг вазни учун 1,0—1,5 кг пичан етарли ҳисобланган. Бунда бошоқдош ўсимликлардан тайёрланадиган пичан сифатли бўлиши керак. Лаборатория анализларига кўра, бошоқдош ўсимликлар бошоқ чиқарган вақтда ўриб олиниб, молларга берилганда таркибидаги органик моддаларнинг 70,6% ҳайвон организмга яхши сингган ва ҳазм бўлган. Улар гуллаш даврида ўриб, молларга берилганда 65,8% ва гуллаб бўлгандан кейин ўриб берилганда 59,4% органик моддалар моллар танасида ҳазм бўлган. Шундай қилиб, қорамоллар қайси типдаги озиқ рационми бўйича озиқлайтирилишидан қатъи назар, озиқ моддалар етарли миқдорда ва маҳсулдорлик ҳамма вақт юқори бўлиши керак.

2.2. Қорамолларни бўрдоқига боқишдаги озиқ турлари ва рационлари.

Қорамолларни бўрдоқига боқишдан асосий мақсад қисқа вақт ичида кўплаб сифатли гўшт етиштиришдан иборат. Бундай тадбирлар тўғри қўлланган хўжаликларда маҳсулот таннархи арзонлашади, маблағ оз сарфланади ва унумдорлик юқори бўлади. Бўрдоқига боқишда ёш моллар анча қулай ҳисобланади, чунки уларнинг организми тез ўсади, гўштдорлик хусусиятлари яхши ифодаланади. Бўрдоқига боқилган қорамоллар гўшти мазали, 1,5—2 барабар тўйимли бўлади. Чунки бундай гўшт таркибида ёғ кўп, сув кам бўлади.

Ёш молларни бўрдоқига боқишнинг афзалликлари тўғрисида Е. А. Богданов, Н. Н. Чирвинский, Е. Я. Борисенко ва бошқалар ўз фикрларини баён этганлар. Агар ёш моллар бўрдоқига боқилса, уларнинг семириш бирлиги учун катта ёшдаги моллардагига нисбатан кам озиқ сарфланади, бунинг сабаби улар организмда сув кўпроқ ва қуруқ моддалар камроқ бўлишидандир.

У. Н. Носиров маълумотиغا кўра, тирик вазни 400 кг бўлган икки ярим ёшдаги букача вазнини бир килограмм ошириш учун ўрта ҳисобда 10—12 озиқ бирлиги сарфланса, 1,5 ёшдаги қорамолни жадал усулда боқиб, вазнини 400 кг га етказишда ҳар бир килограмм семиртириш учун атиги 7—8 озиқ бирлиги сарфланар экан.

Бўрдоқига боқиладиган қорамоллар учун *рацион* тузишда уларни суткасига камида 800—1000 г семиртиришни ҳисобга олиш керак. Шунингдек, ҳар бир хўжаликда етиштириладиган асосий ем-хашак турларидан рацион тузиш талаб этилади. Масалан, агар хўжаликда кўпроқ маккажўхори экилса ёки лавлаги, Седа, полиз экинлари бўлса, шулар ҳисобига рацион тузиш фойдалидир. Чунки бу озиқ турлари емга (концентрат озиққа) қараганда анча арзон туради, бинобарин, етиштириладиган гўштни таннархи ҳам арзонга тушади.

Ўзбекистоннинг кўпгина хўжаликларида қорамолларни бўрдоқига боқишда силос, лавлаги, барди, дағал озиқ (пичан), ёз ойларида эса кўк беда, маккажўхори пояси, суданўт каби ем-хашак турларидан фойдаланилади. Тоғли зоналарда эса молларга асосан дағал озиқлар ва ем-концентратлар бериб боқилади.

Боқиш типлари. Бузоқлар эмизикли даврдан ўтгач, тўрт хил типда гўштга боқилади.

Биринчи типда — силос ва дағал озиқлардан максимал фойдаланиб, қисман (30—45%) ем бериб боқилади.

Иккинчи типда — сенаж ва ем (концентрат *озик*) билан бокилади. Бунда ем миқдори 35—50% гача бўлиши мумкин. Ёз ойларида сенажни кўк ўтлар билан алмаштириш мумкин.

Учинчи типда — молларни силос, дағал озиқ (пичан), ем ва барди (пиво заводи чиқитлари) билан боқиш тавсия қилинади.

Тўртинчи типда — аралаш озиқлар, донатор ва брикет озиқлар, шунингдек, майдаланган маккажўхори сўтаси (40— 60% гача) билан боқиш тавсия этилади.

Қорамолларни юқорида номлари баён этилган типларда боқишда бериладиган ем (концентрат озиқ) миқдори уларни семиртириш жадаллигига ва боқиш муддатининг узоқ-яқинлигига қараб белгиланади, яъни молларни қисқа вақт ичида, жадаллик билан семиртириш талаб этилса, ем миқдори кўпроқ бўлиши керак, акс ҳолда уларнинг семириши узоққа чўзилиб кетади.

Бутуниттифок Чорвачилик илмий-текшириш институти олимлари томонидан молларни семиртириб, 18 ойлигида гўштга топширишга доир баъзи тавсиялар ва рационлар ишлаб чиқилган. Масалан, улардан бири — максимал даражада силос ва ем бериб боқишни олиб кўрайлик.

Молларни тўйимли озиқлар билан бўрдоқига боқиш катта иқдисодий самара беради. Қишда улар силос ва саноат чиқитлари билан бокилади.

Молларни бўрдоқига боқишда саноат чиқитларидан фойдаланиш.

Саноат чиқитлари деганда, асосан ўсимлик ва ҳайвонлардан чиқинди сифатида олинadиган озиқ турлари тушунилади. Масалан, кунжара, шрот, шулха кабилар ёғ заводлари чиқитлари бўлса, ун гарди, дон ёрмаси, кепак ун тортиш саноати чиқитларини ташкил қилади, Шунингдек, саноат маҳсулотлари ҳамда меваконсерва заводлари чиқитлари — олма, ўрик, шафтоли, узум, олхўри, нок каби мевалар шарбати олингач қолган турли, помидор, сабзи, бақлажон ва иолиз меваларнинг ҳам шарбати олингач қолган турли озиқ-овқат саноати чиқити ҳисобланади. Булардан ташқари, қанд заводларида қанд лавлаги шарбати олинib бўлгач қолган турпи ва пиво-вино заводларида чиқит ҳисобланган узум дони, пўстлоғи, банди ёки пиво заводларидан олинadиган барди ҳам молларни семиртиришда фойдаланилади.

Шундай қилиб, молларни бўрдоқига боқишда саноат чиқитларидан кенг миқёсда фойдаланиш кўплаб сифатли гўшт етиштиришнинг муҳим омиллари ҳисобланади. Қуйида уларнинг айримлари устида қисқача тўхталамиз.

Молларни барди билан боқиб семиртириш. Барди асосан пиво ва мева-консерва заводлари чиқити бўлиб, таркиби 90—94% сув ва қолгани куруқ моддадаи иборат бўлади.

Барди билан боқилган қорамоллар яхши семиради, чунки унинг таркибида ҳайвонлар организми учун зарур моддалар бўлади. Уни заводдан қилиб келиниши биланок, илик ҳолида молларга бериш маъқул, акс ҳолда у тез ачийди ва нордонлашиб қолади. Барди билан боқиладиган молларга концентрат озиқлар камроқ берилади.

Катта ёшдаги молларга суткасига 80—90 кг, ёш молларга 50—60 кггача барди бериш мумкин. Бинобарин, ҳар 10 кг барди ҳисобига 1 кг дағал озиқ (пичан, хашак, сомон кабилар) бериш тавсия этилади.

Боқувнинг охирги кунларида бериладиган барди миқдорини анча камайтириш ва майдаланган ҳолдаги дағал озиққа дастлабки ишлов бериб, сўнгра молларга бериш керак. Булардан ташқари, ем ва омехта ем ҳам бериш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, минерал қўшимчалардан бўр (катта ёшдаги молларга бир суткада 200 г, майдаларига 70—80 г дан) бериш ва бошқа қўшимчалар ҳамда витаминлар билан таъминлаш кўп ижобий натижалар беради.

Молларни ёғ заводи чиқитлари билан боқиб семиртириш. Бу усул республикамиз хўжаликларида кенг қўлланилади. Бунда ҳар бош қорамолга суткасига 4—5 кг шулха, 2—2,5 кг кунжара ёки шрот, 2,5—3 кг беда пичани, шунингдек, 0,6—1,0 кг атрофида маккажўхори ёрмаси бериб боқиш яхши натижа беради. Имкони бўлса, маккажўхори силоси ёки углеводларга бой бўлган ем-хашак бериш лозим. Умуман молларни ёғ заводи чиқитлари билан боқиб семиртиришда уларнинг ҳар 1 кг вазнини ошириш учун 8,3—9,4 озиқ бирлиги сарфланиши аниқланган.

Молларни боқув майдончаларида боқиб семиртириш. Молларни бўрдоқига боқишда махсус ажратилган майдончалардан фойдаланиш мумкин. Бунда қўлланадиган технологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда боқув майдончаларини уч хил типга бўлиш мумкин:

1. Очик майдончалар ёки усти ёпилган, паналаштирилган майдончалар.
2. Уч томони ва усти беркитилган кенг майдонли хоналар ёки ярим очик майдончалар.
3. Блоклар ёрдамида енгил усулда қурилган, усти берк ва атрофи очик майдончалар.

Умуман мол боқиладиган майдончалар қуришда ҳар бир районнинг табиий, иқтисодий шароити ва географик хусусиятлари ҳисобга олиниши керак. Бунда ҳар бош мол учун ўртача 5 м² жой ажратилиши нормал ҳисобланади. Шунингдек, бунда молларни тортиш, машиналарга ортиш учун шароит ва асбоб-ускуналар бўлиши талаб этилади.

Молларни яйловда боқиб семиртириш.

Молларни яйловда боқиш уларни тез ва арзон (кўп куч ва маблағ сарфламасдан) семиртириш имконини беради. Яйловларнинг маҳсулдорлиги ва сифати улардаги ўсимликларнинг зичлигига ва қанчалик ўсганлигига ҳамда хилма-хиллигига, молларни боқиб семиртириш эса уларнинг ёшига, жинсига, зотиға, физиологик ҳрлатига, типига ва индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлади. Лекин молларни яйловда боқиш учун республикаимиз катта имкониятларға эға эмас. Биздаги яйловлар унча кўп бўлмаган ҳолда, асосан, тоғ этаги ва тоғ зоналарида жойлашган. Биобарин, тоғ этаги зонасида апрель-май ойларида (баъзан қишгача), тоғ зонасида июнь-сентябрь ойларида яйловларда молларни боқиш мумкин. Имкони бўлган хўжаликларда сунъий яйловлар ташкил этиб, беда, сули, суданўт, кузги жавдар, арпа каби озиқбоп экинлар экиш мақсадға мувофиқдир.

Яйловларда боқиш жараёнида молларни ош тузи ва бошқа минерал қўшимчалар билан таъминлаб туриш муҳим аҳамиятға эға.

Молларни яйловда боқиш учун уларнинг ёши, жинси, орик-семизлиги ва ҳоказоларни ҳисобға олган ҳолда ҳар 120—200 бош молдан битта пода ташкил қилинади ва уларға махсус молбоқарлар бириктирилади. Моллар яйловда асосан 4—5 ой мобайнида боқилади, биобарин, бунда барча тадбирлар яхши йўлга қўйилган бўлса ва яйлов сифатли бўлса, боқув охириға бориб ҳар бир ҳайвон 90—100 кг ва ундан ортиқ семирганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Авторнинг 1968—1970 йилларда Қорақалпоғистон республикасининг гўштдор зот қорамолларини яйловда яйратиб боқиш тажрибаси шуни кўрсатдики, агар молларни боқиш технологиясидан тўғри фойдаланилса, яъни тезда, иссиқ кунларда улар фақат тунда боқилиб, кундузи дам берилса, сув ва ош тузи билам етарли мнқдорда таъминланса, жуда тез семирар экан. Масалан, бунда қозоқи оқбош ва абердин-аигус зот молларнинг вазни суткасиға 950—1050 г дан ошган бўлса, маҳаллий моллар 700—800 г дан семирган. Лекин бунда молларни жадаллик билан семиртириш мақсадида уларнинг ҳар бириға суткасиға қўшимча 200—250 г дан ем берилган. Бошқа турдаги ем-хашак берилмаган. Шундай қилиб, имкони бўлган хўжаликларда молларни яйловда боқиб, тез семиртириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва сифатини яхшилашға эришиш мумкин.

III-БОБ. ЮҚОРИ СИФАТЛИ ҚОРАМОЛ ГЎШТИ ЕТИШТИРИШДА БУЗОҚЛАР ЗОТИНИНГ РОЛИ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА МУХОКАМАСИ.

Маълумки барча қорамоллар маҳсулот йўналишига, ташқи белгилари ва фенотипик хусусиятларига кўра маълум зотларга ёки зот группасига киради. Келиб чиқиши бир хил ва бир турга мансуб бўлган, лекин экстернери, конституцияси, хўжалик учун фойдали белги – хусусиятлари билан фарқ қиладиган ҳайвонлар группаси зот дейилади. Зотнинг бошқа группалардан фарқи шундаки, зот ичида доим наслчилик ишлари олиб борилади ва уларнинг наслдан-наслга ўтадиган хусусиятлари такомиллаштирилиб борилади ҳамда маълум ҳудуд учун мос келувчи зотлар ажратилиб районлаштирилади.

Моллар зотдорлик даражасига кўра тоза зот ва дурагай группага бўлинади.

Қорамолчиликда моллар зотига баҳо бериш ишлари доимий равишда олиб борилади.

Магистерлик диссертациясида режалаштирилган ишларни бажариш мақсадида ўтказилган илмий-тадқиқотда бир хил иқлим ва хўжалик шароитида тоза зотли қора-ола ва унинг дурагайлари ҳар томонлама ўрганилди, уларнинг гўшт маҳсулдорлиги, чидамлилиги, мосланиш хусусиятлари, ўсиши, семириши ва ривожланиш тезлиги солиштирилди. Натижада чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, насл олинадиган сермаҳсул зотларни такомиллаштириш, табиий ва иқтисодий шароит, алоҳида ҳудуд хусусиятини ҳисобга олган ҳолда зотларни мақсадга мувофиқ кўпайтириш ҳулосасига эга бўлинди.

Илмий – тадқиқот ишлари ўтказиш давомида барча гуруҳ бузоқлар учун бир хил озиқлантириш ва сақлаш шароити таъминланди. Лекин сарфланган озуқанинг истемол қилинишида гуруҳлар ўртасидаги фарқлар мавжудлиги кузатилди. Асосан бу фарқлар қиш ойларига тўғри келди. Рацион бўйича берилган маккажўхори силосининг истемол қилиниши 1- гуруҳда 90 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2-ва 3-гуруҳларда 84-82 фоиздан иборат бўлди. (2- жадвал).

Донли сенажни 1- гуруҳ бузоқлари 92 фоизгача истеъмол қилди, 2 – ва 3 - гуруҳ бузоқларида бу кўрсаткич 86 - 90 фоизни ташкил қиладди.

Рационда белгиланган кўк ўтлар, беда пичани омехта емликлар барча гуруҳларда бир хил миқдорда истеъмол қилинди.

Бузоқларнинг меъёр даражада ўсиши, ривожланиши , соғлом бўлиши ва улардан сифатли ҳамда кўп маҳсулот олиш учун улар организмнинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилиши лозим. Агар озиқ моддалар етарли даражада бўлмаса организмдаги барча физиологик жараёнлар сусаяди, бузоқ ўсишидан тўхтайдди, секин

ривожланади, маҳсулдорлиги кескин пасайиб кетади. Шу билан бирга уларга хаддан ташқари кўп ем - хашак берилса, озиқнинг бир қисми исроф бўлади, уларнинг семириши ва олинадиган маҳсулоти қимматлашиб кетади.

Тажриба бузоқларининг истеъмол қилган озуқа миқдори (кг).

2-жадвал

пп	Озуқа турлари	Гурухлар		
		1	2	3
	Беъда пичани	364.1	347.2	361.0
	Донли сенаж	2287.0	1796.5	1597.0
	Маккажухори силоси	1397.2	1405.0	1426.0
	Кўк ўтлар	975.0	967.2	946.1
	Омихта емлик	523.0	526.0	520.4
	Ош тузи	9.73	9.64	9.71
	Монокальций фосфат	7.25	7.25	7.25
	Диамоний фосфат	0.85	0.85	0.85
	Карбамид	4.62	4.77	5.64
	Жами озуқа бирлиги	1673.0	1682.0	1598.3
	ш.ж. қиш ойларида			
	Озиқа бирлиги	1385.2	1347.0	1320.7
	Қуруқ моддалар	1870.0	1819.6	1792.6
	Органик моддалар	1700.5	1665.9	1664.3
	Хом протеин	275.0	262.7	258.7
	Ҳазмланувчи протеин	168.1	161.7	157.3
	ш.ж. 1 о б. даги ҳазм. прот-н. г	100	98	99
	Кальций	15.8	16.0	16.5
	Фосфор	9.2	8.8	8.4
	Кальций, фосфор	1.7/1	1.8/1	1.9/1
	Каротин, г	83.0	88.8	96.1

Организмнинг ўсиши ва ривожланиши ирсий белгиларига ва ташқи муҳит шароитига боғлиқ бўлади. Ҳайвон организми бутун ҳаёти давомида ёшига қараб ўсади ва ривожланади. Танаси ва унинг қисмлари катталашиб боради, органлари шакилланади ва такомиллашади. Умумий организм ўсади ва ривожланади.

Ўсиш ҳайвонлар танасининг вазни, ҳажми ва барча қисимлари ортиб, катталашиб боришидан иборат. Ривожланиш эса ҳайвонлар организмида юз берадиган сифат ўзгаришлари бўкиб, бу жараён организмнинг индивидуал ривожланиши деб аталади.

Тадқиқот бузоқларнинг ўсиши ва ривожланиши уларнинг индивидуал тараққиёти босқичларида турлича жадалликда борганлиги кузатилди (3-жадвал).

3-жадвал

Тажриба бузоқлари тирик вазнининг ўсиши ва қўшимча вазнга сарфланган озуқа миқдори.

пп	Бузоқлар гурухи.	Туғилгандаги тирик вазни кг	Тажриба охиридаги тирик вазни, кг	Олинган жами қўшимча вазни, кг	Ўртача кунлик қўшимча, г	1 кунлик қўшимча вазнга сарф, г	
	1	23.7	437.7	414.0	774	5.84	718
	2	26.2	502.8	476.6	891	5.39	733
	3	27.0	567.6	540.6	1104	5.17	709

Тадқиқот бузоқларнинг кунлик ва умумий олинган қўшимча вазн кўрсаткичлари бузоқларни ҳар ойда тирик вазни бўйича тарозида тортиб кўриш билан кузатиб борилди. Бузоқларнинг ўртача тирик вазни туғилган вақтда сезиларли даражада фарқ қилмади. Лекин улар 18 ойликка етганда гуруҳлар ўртасида фарқ борлиги аниқланди. 1-гуруҳ (Қора-ола зот) бузоқлари 414.0 кг қўшимча вазнга эришган бўлса, у кўрсаткич 2-гуруҳ дурагай (қора-ола х шароле зоти) бузоқларида 476.6 кг, 3-гуруҳ дурагай (қора-ола х санта гертрудо) бузоқларида эса 540.6 кг ни ташкил этди. Бузоқларнинг ўртача кунлик қўшимча вазн олиши 1-гуруҳда 774 г, 2-гуруҳда 891 г, 3-гуруҳда эса 1104 граммдан иборат бўлди, ёки 2-гуруҳ бузоқлари 117 грамм, 3-гуруҳ бузоқлари 330 грамм 1-гуруҳ бузоқларига нисбатан кўп кунлик ўсишига эришганлиги кузатилди.

Бузоқлар вазнининг ортиши, биринчи галда, мускул тўқимасининг жадал ўсиши ва ривожланиши ҳисобига боради. Оқибатда бузоқлар гўштининг шаклланиши ва маҳсулдорлиги ортиши каби кўрсаткичлар намоён бўлади.

Мол гўшти инсон учун энг қимматли озиқ маҳсулот ҳисобланади. Унинг тўйимлилиги таркибидаги оқсил ва ёғ миқдори билан белгиланади. Уларо асосан мускул

ва ёғ тўқималарида учрайди. Тоғай ва суяк тўқималари юқори даражада тўйимли бўлмайди, лекин улар нимталанган умумий гўштнинг бир қисмини ташкил қилади. Моддаларнинг ориқ-семизлигига кўра, мускул тўқимаси 51-63% , ёғ тўқимаси 2-14% ва суяк тўқимаси 20% атрофида бўлади. Умуман қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги кўп жиҳатдан уларнинг ориқ-семизлигига, жинсига, ёшига, зотига, боқиш усулига ва индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлигининг кескин оширишда бузоқларни бўрдокига боқишни тўғри ташкиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. “Шукурдавлат” хусусий-фермасида гўшт етиштириш учун ажратилган бузоқлар асосан боғлаб боқиш усули билан парваришланади.

Қорамолларда гўшт маҳсулдорлигини юқори бўлиши бир қанча омиллар билан белгиланади. Жумладан, уларнинг зоти, ёши, семизлиги, жинси, боқиш ва асраш усули, шунингдек, физиологик ҳолатидир.

Тадқиқот бузоқларининг гўшт маҳсулдорлиги ва сифатини ўрганиши учун ҳар бир гуруҳдан 3 бошдан бузоқларда назорат сўйими ўтказилди (жадвал 4).

Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади қорамол гўштининг сифат кўрсаткичидан бири ҳисобланган оксипролин ва триптофан миқдорини аниқлашдан иборат. Шу мақсадда сўйилган бузоқлар танасининг 14 та йирик мускулларида оксипролин ва белнинг узун мускули ва тананинг барча қисмидан олинган ўртача намуналарда эса триптофан миқдори аниқланди. Жадвал 5.

Молнинг тирик вазни, нимталанган гўштнинг вазни, унинг таркибидаги ҳалим гўшт, ёғ, суяк, тоғай ва пайларнинг миқдори ҳамда уларнинг гўштга нисбати шунингдек гўшт нимталаридаги бошқа нав гўштининг вазни, миқдори, нисбати, уларнинг тўйимлилиги, кимёвий таркиби унинг гўшт маҳсулдорлигини ифодаловчи кўрсаткичдир.

жадвал 4.

18 ойлик тажриба бузоқлари гўшт маҳсулдорлигининг баъзи кўрсаткичлари.

	Гуруҳ	Сўйишдан олдинги тирик вазни, кг	ш.ж.		Сўйим чиқими. %	
			Тўши (нимта) кг	Ички ёғлар		
1	I	403.5	381.6	21.9	61.9	
2	II	464.3	436.8	27.5	62.1	
3	III	531.9	499.3	32.6	65.7	

Тажриба бузоқларининг сўйим натижаларини таҳлил қилинганда биринчи гуруҳ бузоқлари 61.9 фоиз сўйим чиқимига эришди, 2-гуруҳда 62.1 фоиз ва 3-гуруҳда эса 65.7 фоизни ташкил этмоқда. Бунда тоза зотли қора-ола зот бузоқларига нисбатан 2- ва 3-гуруҳ дурагай бузоқларида гўшт маҳсулдорлиги ортганлиги кузатилмоқда, ёки дурагай бузоқлари маҳсулдорлик жihatдан тоза зотли бузоқларга нисбатан юқори кўрсаткичга эга эканлигини намоён қилдилар.

Молларнинг гўшт маҳсулдорлигини аниқлашда сўйим чиқими муҳим аҳамиятга эга. Сўйим чиқими деганда, гўшт нимталари билан ички ёғи вазнининг бузоқни сўйишдан олдинги тирик вазнига бўлган нисбати тушинилади ва 7 фоиз билан белгиланади.

Молларнинг сўйим чиқими уларнинг ёшига, жинсига, зотига, ориқ-семизлигига ва сўйишдан олдинги вазнига боғлиқ. Қорамолларнинг ёши катталашishi билан танасидаги гўшт-ёғнинг вазни орта боради, шунингдек сўйим чиқими ҳам юқори бўлади. Гўшт йўналишидаги молларнинг сўйим чиқими сут йўналишидаги молларга нисбатан юқори бўлади. Бу ўтказилган тадқиқотда ўз тасдиғига эга бўлди. Сўйилган молларнинг ёшига қараб, гўшт икки гуруҳга бўлинади. Биринчиси – Бузоқ гўшти, яъни 3 ойгача бўлган бузоқларнинг гўшти ҳисобланади. Иккинчиси – мол гўшти, бунда 3 ойликдан катта бўлган барча турдаги қорамолларнинг гўшти ҳисобланади. Ёш бузоқларнинг нимталанган гўшти 9 қисимга ва катта ёшдаги молларники 12 қисимга, яъни сортли бўлақларга бўлинади.

Гўшт нимталари сифат хусусиятларига кўра, Давлат стандарти (ГОСТ 7595-55) га мувофиқ нимта ва сўртли бўлақларга бўлинади. Бинобарин, олдин нимталарга сўнг учта сўртга мансуб тўққиз бўлақка ажратилади. ГОСТ 7595-55 талабларига кўра, нимта гўштининг орқа, бел, тос, думғаза, биқин, сон ва кўкрак қисми 1 сортга; кўкрак, елка ва шапоқ (қорин пардаси) қисми иккинчи сўртга; бўйин гўшти, орқа ва олдинги оёқлари ҳамда илик суяқларининг пастки қисми III сортга киради. Нимталанмаган гўшт аввало кўндалангига 2 (олд ва орқа) қисимга бўлинади.

Магистрлик диссертациясининг илмий – тадқиқот ишида тажриба бузоқлари мускуллари ва нимтанинг ўртача наъмуналарининг оксил сифат кўрсаткичи, яъни триптофаннинг оксипролинга нисбати, оксипролин ва триптофанларнинг миқдорини Фарғона вилояти санэпидстанция марказининг овқатланиш гигиенаси бўлими лабараториясида аниқланди. Бунда 18 ойлик тажриба бузоқлари олдинги оёқ мускулларида орқа оёқ мускулларига нисбатан оксипролин миқдори кўп эканлиги кузатилмоқда. Шунингдек 1-гуруҳ қора – ола зот бузоқларида дурагай бузоқларига (1 ва 2 гуруҳ) нисбатан оксипролин миқдори юқори эканлиги қайд этилди.

18 ойлик тажриба бузоқлари нимтасининг мускулларида оксипролин миқдори, мг%.

5-жадвал

пп	Мускуллар	Гуруҳлар		
		I	II	III
1	Кўкрак юза	400	366	332
2	Кўкракнинг ички	296	273	265
3	Уч бошли	301	287	281
4	Елка ички	269	247	225
5	Белнинг узун мускули	243	225	213
6	Икки бошли сон	266	234	221
7	Тўрт бошли сон	259	221	213
8	Ўрта дунба	266	230	220
9	Ярим пайсимон	214	207	200
10	Чиройли (теккис)	265	200	222
11	Икрасимон	270	175	218
12	Тортувчи	188	191	163
13	Ярим пардасимон	201	162	177
14	Кўкрак- бел	179	163	151

Тажриба бузоқлари нимтасининг 14 та қисмдан олинган наъмуналарда оксипролин миқдори I-гуруҳ бузоқларида 179 мг % дан – 400 мг % гача фарқ қилганлиги кузатилмоқда. Бу кўрсаткич II-гуруҳ бузоқларида 162 мг % дан – 366 мг %, III-гуруҳ бузоқларида эса 151 мг % дан – 332 мг % ни ташкил этмоқда.

Гўштнинг сифати нимталардаги сортли бўлақларнинг нисбати ва миқдори, нимталардаги ёғ тўплamlари ва қаватларининг бир теккис бўлиши, гўштнинг кимёвий таркиби ҳамда тўйимлилиги билан белгиланади.

Илғор тажрибалардан маълум бўлишича ёш моллар 18 – 20 ойликкача жадал усулда гўштга боқилганда уларнинг вазни 450 – 500 кг га етади ва гўшти сифатли ҳамда тўйимли бўлади.

пп	Оксипролин		Триптофан		Оксил сифат кўрсаткич	
	Белнинг узун мускули	Нимтанинг ўртача наъмунаси	Белнинг узун мускули	Нимтанинг ўртача наъмунаси	Белнинг узун мускули	Нимтанинг ўртача наъмунаси
I	243	428	1427	1386	5.9	3.3
II	225	334	1483	1429	7.1	4.0
III	213	370	1449	1418	6.9	4.3

Тажрибада оксипролин миқдори бузоқлар мускулларининг жойлашуви бўйича ҳам фарқланиши исботланди.

Тадқиқотда тажриба бузоқлари бели узун мускули ва нимтанинг ўртача наъмуналаридан олинган маълумотлар триптофан миқдорининг бузоқлар зотига қараб ўзгарганлиги аниқланди. I – гуруҳ қора – ола зот бузоқларида триптофан миқдори 1386 – 1427 мг % ни ташкил этган бўлса II-гуруҳ дурагай бузоқларида 1429 – 1483 мг %, III-гуруҳ дурагай бузоқларида эса 1418-1449 мг % дан иборат бўлмоқда.

Тажриба бузоқлари гўштнинг оксил сифат кўрсаткичи бўйича олинган маълумотлар анализ қилинганда дурагай бузоқларида тоза зотли қора – ола зот бузоқларига нисбатан оксипролиннинг камайиши ҳамда триптофан миқдорининг ортиши натижасида уларнинг сифат кўрсаткичи юқори эканлиги кузатилди.

3.1.Бузоқларнинг ўсиши ва ривожланиши

Организмнинг ўсиши ва ривожланиши ирсий белгиларига ва ташқи муҳит шароитига боғлиқ бўлади. Ҳайвон организми бутун ҳаёти давомида ёшига қараб ўсади ва ривожланади. Тепаси ва унинг қисмлари катталашиб боради, органлари шаклланади ва такомиллашади. Умуман организм ўсади ва ривожланади.

Ўсиш ҳайвонлар танасининг вазни, ҳажми ва барча қисмлари ортиб, катталашиб боришидан иборат. *Ривожланиш* ҳайвонлар организмида юз берадиган сифат ўзгаришлари бўлиб, бу жараён фанда *онтогенез*, яъни организмнинг индивидуал ривожланиши деб аталади. Индивидуал ривожланиш эса ҳар бир организмнинг вужудга

келишидан бошлаб, то ҳаётининг охиригача давом этади. Шундай қилиб, организмнинг ўсиши план ривожланиши бир-бирига чамбарчас боғлиқ жараён ҳисобланади.

Организм ҳаётининг турли давларида бир ҳилда ўсиб ривожланмайди. Ҳар хил органлар, тўқималар ва тана қисмлари турлича тезликда ўсади. Бузоқлар тўғри озиқлантирилиб, яхши асраб, парвариш қилинса, ўсиши ва ривожланиши тезлашади.

Уларнинг ўсишини аниқлаш анча қулай ва осон бўлганлиги учун бу борада ҳисоб-китоб ишлари олиб борилади. Бунинг учун уларни тарозиларда тортиш ва ўлчов асбоблари ёрдамида ўлчаш қабул қилинган. Лекин тортишда ҳамма вақт тўғри ва аниқ натижа олинмайди. Чунки бузоқларининг вазни улар сифатсиз боқилганда ошмайди, лекин уларнинг танаси ҳам узунасига, ҳам баландлигига ўсиб боради. Бунинг учун уларни ўлчаш талаб этилади. Ўлчаш учун ўлчов таёқаси, циркуль, штангенциркуль ва рулеткадан фойдаланилади. Ўлчаш натижаларига кўра, уларнинг индексларини ҳисоблаш мумкин.

Бузоқларнинг ўсиши ва ривожланиши уларнинг индивидуал тараққиёти босқичларида турлича жадалликда боради. Шунингдек, барча органлар тўқималар ва тана қисмлари маълум вақтда, ривожланиш босқичининг айрим даврида жадал ўсиш ва шаклланиш хусусиятига эга. Масалан, эмбрионлик даврида уларнинг ҳаракат органлари системаси овқат ҳазм қилиш, нафас олиш органлари системасига нисбатан яхши ривожланади, бинобарин, улар туғилгач мустақил ҳаракат қила оладиган бўлади. Шунингдек, бузоқлар эмбрион тараққиёти даврида оёқлари тез ўсиши натижасида, баландлиги жиҳатидан катта ёшдаги молларга яқинроқ бўлади, лекин танаси калта ва ихчам булади сининг жадал ўсиши ва ривожланиши ҳисобига боради. Бузоқлар сифатсиз боқилганда уларнинг танаси ориқлайди, тана қисмларида айрим салбий ўзгаришлар юз беради. Бундан салбий ўзгаришлар уларнинг эмбрионлик даврида ҳам юз бериши мумкин. Бунга асосий сабаб шуки, у она қорнида ривожланаётганда етарли миқдорда барча озиқ моддалар билан таъминланмайди. Бўғоз сигирлар сифатсиз боқилса ва яхши асралмаса шундай ҳодисалар юз беради.

Бўғоз сигирларин айниқса бўғозлигининг иккинчи ярмида сут ҳолда, сифатсиз ем-хашак билан боқилса ва уларнинг организмда барча ҳаётий муҳим моддалар етарли бўлмаса, улардан олинадиган бузоқлар нимжон, ориқ, суяклари ингичка ва нозик» боши катта, бўйни ингичка ва нозик бўлади. Бинобарин, бузоқлар она организмда ривожланиши (эмбрионлик) даврида ўсиш ва ривожланишининг сусайиб кетиши *эмбрионализм* деб аталади. Шунини ҳам айтиш керакки, бўғоз сигирларнинг оч қолиши ёки улар организмда барча озиқ моддаларнинг камайиб кетиши улар бачадонида ривожланаётган эмбрионнинг нобуд бўлишига ва она организмга шимилиб кетишига сабаб бўлади.

Бузоқлар туғилгандан кейин сифатсиз озиқлантирилса, яхши парвариш қилинмаса, улар ўсишдан тўхтади, ориклаб кетади. Бундай чала ривожланиш *инфантилизм* деб аталади. Бузоқларнинг ўсишдан тўхташи билан ички органларининг фаолияти ва ривожланиши ҳам сусайиб кетади. (Айрим ҳолларда эса улар насл бермаслигига сабабчи бўлади.

Ҳар бир мутахассис ва чорвадор бузоқларда учрайдиган эмрионализм ва инфантилизмга йўл қўймаслиги, уни тузатиш чора тадбирларини билиши муҳим ҳисобланади. Бинобарин, ҳар иккала камчиликни ҳам тузатиш имкони мавжуд бўлиб, у *компенсация*, яъни ривожланиш ва ўсиш тезлиги бўйича ўз тенгдошларига етишиб олиш хусусияти деб аталади. Бунга эришиш учун ўсишдан орқада қолган бузоқлар жадал усулда боқилади. Улар барча зарур озиқ моддалар билан етарли даражада таъминланади. Бинобарин, улар қисқа вақт ичида ўз тенгдошларига етиб олади. Компенсация хусусияти асосан ёш бузоқларда, хали ўсишда давом этадиган организмларда яхши намоён бўлади. Компенсациялаш бузоқларнинг бошқа орган ва тўқималаридагига қараганда скелет-суяк системасида суут боради.

Умуман фермаларда соғлом, бақувват ва касалликларга чидамли бузоқ олиш учун биринчи галда бўғоз сигирларни сифатли ем-хашак билан ва тўғри боқишга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Шунингдек, туғилган бузоқларни парвариш қилишга ҳам алоҳида эътибор бериш керак.

Бузоқларнинг ўсиши ва ривожланишига, озиқлантиришдан ташқари, температура, ёруғлик, асраш шароити моцион ҳам муҳим таъсир кўрсатади. Шунинг учун бузоқхоналар етарлича ёритилишига, температураси нормал бўлишига катта аҳамият берилади.

Бузоқларнинг (ҳақиқий) абсолют ва нисбий ўсиши. Бузоқлар туғилгандан кейин унинг вазнини аниқлаш мақсадида тортилади. Кейин уларни асосан ойига 1 марта тортиб турилади. Бинобарин, улар вазнининг ортиб бориши ва кўрсаткичлари асосида ўсиш тезлиги аниқланади. Бунда бузоқларни (ҳақиқий) абсолют ўтиши ва нисбий ўсиши ҳисобга олинади.

Ҳақиқий (абсолют) ўсиш бузоқларнинг муайян вақт (кун, ой, йил) давомида қўшимча ўсишидир. Ҳақиқий ўсишни қуйидаги формулага мувофиқ аниқлаш мумкин:

Бунда: A — (ҳақиқий) абсолют ўсиш; K —кейинги вазни; D — дастлабки вазни.

Мисол учун бирор бузоқнинг ҳақиқий ўсиш тезлигини аниқлайлик. Фараз қилайлик, унинг туғилгандаги вазни 25 кг, орадан бир ой ўтгач, вазни 48 кг га етган. Демак, унинг бир ойдаги (ҳақиқий) абсолют ўсиши: $48 - 25 = 23$ кг ни ташкил қилади.

Шу билан бирга бузоқларнинг суткалик ўсишини ҳам қуйидаги формулага мувофиқ ҳисоблаб топиш мумкин:

Бу ерда: C — суткалик ўсиш; A — абсолют ўсиш; D — дастлабки

вазни; B — икки марта тортиш ўртасидаги вақт (кун ҳисобида). Шундай қилиб, $C=766$ г бузоқнинг суткалик ўсиши ҳисобланади.

Нисбий ўсиш бузоқларнинг маълум вақт (ой, кун) ичида ортган вазнининг дастлабки вазнига нисбати бўлиб, процент билан ифодаланади. Уни қуйидаги формулага мувофиқ ҳисоблаб топиш мумкин:

$$H = \frac{K-D}{D} \cdot 100.$$

Бунда: H — нисбий ўсиш; A — кейинги вазни; D — дастлабки вазни; 100 — коэффициент.

Мисол учун иккита бузоқни кўрайлик. Биринчисининг дастлабки вазни 40 кг, иккинчисиники 60 кг. Уларнинг вазни 1 ой ичида баравар, яъни 24 кг дан ошди. Буни формулага мувофиқ ҳисоблаб кўрсак, биринчи бузоқнинг нисбий ўсиши 60%, иккинчисиники фақат 40% бўлган, яъни биринчи бузоқнинг ўсиш тезлиги иккинчисиникига қараганда 1,5 марта жадалроқ, бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Қорамоллар конституцияси

Ҳайвонлар конституцияси деб, уларнинг ташқи муҳит шароитига мослашганлиги, ирсий белгилари ва маҳсулдорлиги жиҳатидан улар организмнинг морфологик, физиологик ва биохимиявий хусусиятлари йиғиндисига айтилади.

Конституциянинг ифодаланиши академик И. П. Павлов таълимоти асосида, организмларнинг фаолиятида ички муҳит билан ташқи муҳитнинг ҳамда шакл билан бирор функция бажаришнинг боғлиқлиги жиҳатидан ўз аксини топа олган. Бинобарин, И. П. Павлов таълимотига кўра, организм бир бутун ва ягона бўлгани ҳолда у бир қанча органлар, тўқималар ва хужайралардан ташкил топган, қон ва лимфа билан озиқланади, уларнинг фаолиятини зса нерв системаси бошқаради. Шундай қилиб, *конституция* деганда, ҳайвонларнинг айрим орган, туқима ва хужайраларининг оддий йиғиндиси хусусиятлари назарда тутилмай, балки уларнинг асосий белги ва хусусиятларининг маълум даражада бир-бирн билан боғлиқ ҳолдаги функцияси ва шаклланиши тушунилади.

Ҳайвонларнинг ҳар хил конституция типлари аввало уларни **инсон** томонидан онгли равишда танлаш, саралаш, боқиш, асраш ва маълум мақсадда парвариш қилиш натижасида вужудга келган ва ташқи муҳит шароитига яхши мослаша олиш натижасида улар насл бериш қобилятига эга бўлган.

П. Н. Кулешов, Е. А. Богданов, М. Ф. Иванов, У. Дюрст ва бошқа кўпгина олимлар турли махсулот йўналишидаги ҳайвонлар экстеръери, яъни ташқи кифасига кўра бири-биридан кескин фарқ қилишини исботлаб берганлар. Дарҳақиқат, агар серсут зот сигирлар ташқи кўринишидан гўштдор зот сигирлар билан таққосланса, улар орасида жуда катта фарқ борлигига ишонч ҳосил қиламиз. Шунингдек, барча турдаги чорва ҳайвонлари каби қорамолларнинг етилувчанлиги, тез семириши, ташқи муҳит қаршиликларини енга олиши, насл бериши, серпуштлиги, ҳар хил шароитга мослаша олиши каби хусусиятлари ҳам уларнинг конституция белгилари билан боғлиқ ҳолда амалга ошади.

П. Н. Кулешов ҳар хил мақсадда фойдаланиладиган қорамоллар танаси айрим қисмларининг тузилишига ва нисбий ривожланганлигига асосланиб ва улар тана тузилишининг бошқа хусусиятларига таяниб, тўрт хил типдаги конституция мавжудлигини асослаб берган. Улар куйидагилар:

Пишиқ конституция. Бу конституция типи асосан гўштдор, серсут зотларга хос. Уларнинг ички органлари системаси нормал ва яхши ривожланган бўлади. Мускуллари тиғиз, суяги пишиқ, тери остидаги ёғ қавати унча яхши ривожланмаган бўлади. Бу конституция типига мансуб ҳайвонлар унча семиз ҳам эмас, ориқ ҳам бўлмайди.

Нозик конституция. Бу тип асосан серсут бўлган маданий зотларга хос бўлади. Бу типга мансуб бўлган сигирларнинг териси юпка ва эластик, суяклари ингичка, жуни ялтироқ ва калта, мускуллари ва тери остидаги ёғ қавати суст ривожланган. Бинобарин, бундай сигирлар ориқ бўлади. Елини яхши ривожланган ва катта, оёқлари ориқ ва узун, бўйни ингичка ва чўзиқ бўлади. Еган озиғи асосан сут ҳосил бўлишига сарфланади. Овқат ҳазм қилиш органлари системаси ҳам яхши ривожланган. Улар куп миқдорда дағал озик ейишга мослашган.

Бўш ёки хом конституция. Бу тип вакиллариининг мускуллари яхши ривожланган тери остидаги ёғ қавати қалин, яхши ифодаланган. Улар истеъмол қилган ем-хашак асосан гўшт ва ёғ тўқимасининг ортишига сарфланади. Лекин суяклари унча пишиқ эмас, сут безлари унча яхши ривожланмаган. Бўш конституцияли моллар камҳаракат бўлиб, озиклангандан кейин кўпроқ ётишни маъкул кўради.

Кўпол конституция. Бу типга мансуб бўлган молларнинг суяги йирик, териси пишиқ, қалин, жуни ўсиқ, тери остидаги ёғ қавати ўртача ёки суст ривожланган бўлади. Мускуллари тиғиз, овқат ҳазм қилиш органлари системаси ўртача ривожланган. Сут безлари ўртача ривожланган. Бу тип вакиллариининг сут ва гўшт махсулоти ўртача.

Академик М.Ф. Иванов, П.Н. Кулешов классификациясига яна бир типни — мустаҳкам конституцияни қўшимча ҳолда киритди. М.Ф. Иванов таърифига кўра, бу тип вакиллариининг суяги мустаҳкам, яхши ривожланган, лекин кўпол кўринишга эга эмас,

танасининг ориқ-семизлиги ҳам ўртача, териси пишиқ ва қалин, лекин терисининг ва тери ости ёғ қаватининг қалинлиги ўртача бўлади. Улар ташқи кўринишидан тетик, соғлом, касалликларга чидамли, ташқи муҳит шароитига тез ва яхши мослашадиган ҳайвонлар ҳисобланади.

Лекин қорамоллар орасида кўп вақт юқорида қайд қилинган муайян конституция типи талабларига тўла жавоб бера олмайдиган, яъни икки хил конституцияга мансуб бўлганлари ҳам учрайди. Бинобарин, кейинги вақтларда молларга баҳо беришда қуйидаги: нозик ва пишиқ; нозик ва бўш; кўпол ва пишиқ; кўпол ва бўш конституция типлари кўпроқ эътиборга олинади.

У. Дюрст моллар организмида юз берадиган газлар ва моддалар алмашинуви жараёнлари жадаллигига кўра ҳамда улар томонидан ейилган ем-хашак маълум маҳсулот тайёрлашга сарфланишини ҳисобга олган ҳолда икки хил: серсутлик белгиси ривожланган ва гўштдорлик белгиси ривожланган типларни; иккита аралаш ёки қўшма: серсут-гўштдор ва гўштдор-серсут типларни асослаб берган.

Серсутлик белгиси ривожланган тип талабига кўра, сигирларнинг танаси ўртача семизликда ёки ориқ, бўйни узун ва ингичка, кўкраги тор ва кичик, нафас олиш, қон айланиш, моддалар алмашинуви органлари системаси кучли ривожланган. Шунингдек, гипофиз, қалқонсимон, секреция безлари яхши ривожланган. Умуман барча серсут сигирлар шу конституция типига мансуб.

Гўштдорлик белгиси ривожланган тип талабига кўра, молларнинг кўкраги кенг ва чуқур, боши кичик, бўйни калта ва йуғон, нафас олиш органлари системаси унча ривожланмаган, моддалар алмашинуви жараёни суст, буйрак усти ва жинсий безлари функцияси ривожланган бўлиб, асосан гўштдор маданий зотларга хос.

Аралаш (қўш) тип талабига кўра, ҳайвонлардан қайси маҳсулот кўпроқ олинadиган бўлса, олдий ўшанинг номи айтилади. Масалан, гўштдор бўлса, у ҳолда гўштдор-серсут тип деб юритилади ва аксинча.

Умуман Ўзбекистонда молларга комплекс баҳо бериш борасида П. Н. Кулешов классификациясидан фойдаланилади. Айниқса наслчилик ишларида, молларни тўғри танлашда, жуфтлашда ҳар бир ҳайвоннинг тана тузилиши, конституциясининг мустаҳкамлиги, уларнинг чидамлилиги, ҳаракатчанлиги ва маҳсулдорлигига алоҳида эътибор берилади. Шу билан бирга молларнинг ташқи қиёфаси, яъни экстеръери ҳам муҳим аҳамиятга эга. Насл олиш учун ажратилган қорамоллар экстеръерига кўра камчиликларсиз бўлиши керак. Акс ҳолда ҳар қандай камчилик уларнинг наслида намоён бўлади.

Экстерьер деганда, ҳайвон танасининг ташқи кўриниши ва тана қисмларининг жойлашуви тушунилади. Ҳайвонларга экстерьерига кўра баҳо бериш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда уларнинг зот талабларига кўра тана тузилиши, ихчамлиги, конституцияси, физиологик фаолияти, саломатлиги ҳисобга олинади. Масалан, серсут сигирларни экстерьерига кўра гўштдор сигирлардан фарқ қилиш ва уларга баҳо бериш анча қулай. Бундай фарқлар кўз билан чамалаб аниқланади. Серсут сигирларнинг қорни ва елини катта, йирик ҳажмли, бўйни ва оёқлари узун, ингичка, боши енгил, териси юпқа ва чўзилувчан, яъни эластик ва тери остидаги ёғ қавати юпқа бўлса, гўштдор сигирларда бунинг аксини кўриш мумкин.

Зотли ва наслдор молларга экстерьерига кўра баҳо беришда жинсий белгиларининг ривожланганлигига ҳам алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Умуман молларга экстерьерери асосида баҳо беришда улар танасининг барча қисмлари (елкаси, бели, сағриси, кўкраги, қорни, оёқлари, урғочиларида елини ва ҳоказолар) ҳисобга олинади. Шунга кўра, молларни *беш балли* система асосида баҳолаш қабул қилинган. Бунда беш балл олган ҳайвон ҳамма жиҳатдан юқори даражада, ҳеч қандай камчиликсиз ҳисобланади. Агар бирор камчилиги аниқланса, у ҳолда бериладиган балл қисман пасайтирилади.

Молларнинг экстерьерига янада ақиқ баҳо бериш учун ўлчов асбоблари ва ленталари ёрдамида улар танасининг қисмлари ўлчанади. Масалан, бошининг узунлиги, пешанасининг кенлиги, елинининг чуқурлиги ва айланаси, яғрин, бел ва думгаза баландлиги, кўкрак чуқурлиги, кўраклар орти, кўкрак айланаси ва унинг кенлиги, гавдасининг қия узунлиги, почка айланаси ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Интерьер. Интерьер деб, моллар ички органларининг морфологик, физиологик ва биохимиявий хусусиятларининг умумий кўрсаткичига айтилади. Ўзбекистонда ҳайвонларга, айниқса қорамолларга, интерьер кўрсаткичлари бўйича баҳо беришни Е. Ф. Лискун асослаб берган ва у бундай баҳолашни микроэкстерьер сифатида таърифлаган. Масалан, сигирларнинг серсутлиги билан елин ёки сут безлариининг тузилиши ўртасидаги боғлиқликни, шунингдек, териси ва жунининг тузилиши билан маҳсулдорлиги орасидаги боғлиқликни, молларнинг қони, мускуллари, суяклари, нерв системаси ва барча ички органлари билан уларнинг маҳсулот кўрсаткичи, соғломлиги, физиологик ҳолати ва ҳоказолар орасидаги боғлиқликни ҳам шу асосда ўрганиш тавсия этилган. Бундай тадбирлардан фойдаланиш наслчилик ишларини тўғри олиб боришда, молларни танлаш, саралаш ва насл олиш учун қолдириш масалаларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Қорамолларнинг маҳсулдорлигига кўра экстерьерери ва конституция хусусиятлари. Қорамолларнинг экстерьерери уларнинг маҳсулдорлиги, маҳсулот йўналиши, ёши, ориқ-семизлиги ва жинсига кўра турлича бўлади. Масалан, гўшт учун боқиладиган

қорамолларнинг танаси кенг ва йирик, мускуллари яхши ривожланган ва бўртиб чиққан, суяклари ингичка, бўйни йўғон ва калта бўлиши билан бошқалардан фарқ қилади. Шунингдек, уларнинг боши кичик ва калта, кўкрагининг тик кесими чуқур ва кенг хажмли, елкаси текис за кенг, оёқлари калта, тўғри ва йўғон, танаси майин жун билан қалин қопланган бўлади.

Гўшт учун боқиладиган қорамолларнинг гавдаси юмалоқ, суяклари ингичка, лекин мустаҳкам, пишиқ бўлиши керак. Улар конституциясига кўра асосан бўш тип талабига жавоб беради ва баъзан нозик типга ҳам ўхшаш бўлади. Бундай моллар истеъмол қилган ем-хашак танасида гўшт ва ёғ ҳосил бўлиши учун сарфланади. Сут учун боқиладиган қорамолларнинг гавдаси чўзинчоқ, қотма, пешанаси тор, бурун кисми кенг, боши енгил, чайнаш мускуллари яхши ривожланган, териси юпка, чўзилувчан (эластик), шохлари калта ва ялтироқ бўлади. Буқаларининг боши сигирларникига қараганда калта, лекин кенг бўлади. Умуман сут учун боқиладиган сигирларнинг боши оғир ва қўпол бўлиши маъқул эмас.

Кўш маҳсулдор, яъни аралаш (сут-гўшт ва гўшт-сут) маҳсулот олинадиган қорамолларнинг экстеръери гўшт ва сут учун боқиладиган қорамолларнинг оралиқ ёки ўртача ҳолатини билдиради. Лекин кўп вақт уларнинг ё гўшtdорлик ёки серсутлик белгиларидан биттаси иккинчисига кўра яхшироқ ифодаланган бўлади. Иккала белгиси бир хилда ривожланган қорамоллар камдан-кам учрайди. Умуман кўш маҳсулдор қорамоллар танасига баҳо беришда уларнинг экстеръерини ҳисобга олган ҳолда, юқорида кўрсатилган талабларга амал қилинади.

3.2. Қорамол бузоқларининг гўшт маҳсулдорлиги.

Мол гўшти инсон учун энг қимматли озиқ маҳсулоти ҳисобланади. Унинг тўйимлилиги таркибидаги оқсил ва ёғ миқдори билан белгиланади. Улар асосан мускул ва ёғ тўқималарида учрайди. Тоғай ва суяк тўқималари юқори даражада тўйимли бўлмайди, лекин улар нимталанган умумий гўшtnинг бир қисмини ташкил қилади. Молларнинг ориқ-семизлигига кўра, мускул тўқимаси 51—63%, ёғ тўқимаси 2—14% ва суяк тўқимаси 20% атрофида бўлади. Умуман қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги кўп жихатдан уларнинг ориқ - семизлигига, жинсига, ёшига, зотига, боҳиш усулига, парвариш қилишга ва индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Гўштининг умумий тўйимлилиги унинг калорияси билан ўлчанади ва биринчи галда молнинг семизлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Умуман 1 кг мол гўштида 1200—3000 катта калория бўлиши аниқланган. Мол гўшти қанча ёғли бўлса, калорияси ҳам

шунча юқори бўлади. Шу билан бирга таркибий қисми ҳам бой бўлади. Шундай қилиб, қорамолларнинг гўштдорлик хусусияти биринчи галда уларнинг ориқ-семизлигига боғлиқ экан. Бундан ташқари, гўштнинг тўйимлилиги, мазаси ва барча бошқа хоссалари қорамоллар зотига ва маҳсулот йўналишига ҳам боғлиқ. Масалан, гўшт учун боқиладиган ихтисослаштирилган махсус гўштдор зотлар (геррефорд, санта-гертруда, абердин-ангус, шортгорн, козоки оқбош, қалмоқи кабилар) тез етилувчанлиги, гўшти сифатлилиги, майин мармарсимон (мускуллари орасида қатлам-қатлам ёғи бор) бўлиши билан бошқа зотлардан фарқ қилади. Бошқа зотлар гўштга боқилганда, ёғ асосан ички органларида ва тери остида тўпланса, гўштдор зот молларда мускуллар оралиғида ҳосил бўлади ва у гўштнинг сифатини яхшилашда, унинг майинлилигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Мол гўшти ҳайвоннинг ёшига кўра ҳам сифат жиҳатдан фарқ қилади. Масалан ёш молларнинг гўшти юмшоқ, майин, серсув ва оксилга, бой бўлса, катта ёшдаги молларнинг гўшти бирмунча дағал ва серёғ бўлади. Молларнинг тирик ва сўйилгандаги вазни ҳамда гўшт чиқими уларнинг гўштдорлик хусусиятини аниқлашда муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Молларнинг териси, калла-почаси ва ички органлари олиб ташлангандан қолган қисми уларнинг сўйилгандаги вазни ҳисобланади. Кузатишлардан маълум бўлишича, гўшт чиқими молларнинг ориқ-семизлишдан ташқари, уларнинг маҳсулот йўналишига ҳам боғлиқ экан. Масалан, яхши семиртирилган гўштдор зот молларнинг гўшт чиқими 60—65% ва ундан ҳам юқори, қўш маҳсулдор зот молларники 55—60% ва сут йўналишидагиларники 50—55% бўлади. Семиз молларнинг гўшт чиқими ориқлариникига қараганда 10—15% юқори бўлиши аниқланган.

Қорамоллардан яна пойабзал саноати учун қимматбаҳо тери олинади. Бундай тери қалин-юпқалиги, оғир-енгиллиги ва сифат белгиларига кўра, пойабзалларнинг тағчарми учун ишлатилади. Терининг вазни молларнинг вазнига ва жинсига боғлиқ бўлиб, унинг тахминан 6—7% ни ташкил қилади.

Қорамолларнинг семириш жадаллиги бир қанча факторларга боғлиқ бўлиб, улардан энг асосийлари: ёши, озиклантириш даражаси, зоти ва зотдорлиги ҳамда жинси ҳисобланади. Шу хусусиятларига кўра, гўштнинг морфологик ва химиявий таркиби ва тўйимлилиги ҳам ҳар хил бўлади

Аниқланишича, туғилган вақтида йирик вазнли бўлган бузоқлар жадал ўсади, суткалик семириши жиҳатидан бир вақтда туғилган тенгқурларидан ўзиб кетади. Лекин ёш бузоқлар организмда мускул ва ёғ тўқималарига кўра, суяк ва бириктирувчи тўқимадар вазн бирлигига кўра катта ёшли молларникидан кўпроқ бўлади.

Бузоқларнинг ўсиши билан организмидаги барча тўқималарининг салмоғи турли жадалликда ортиб боради. Айниқса мускул ва суяк тўқималарининг ўсиши тезлашади. Танада ёғ миқдори кўпая боради. 6—9 ойликкача бўлган бузоқлар тўқимасида сув камайиши ҳоообига ёғ ҳосил бўлиши кучаяди. Лекин 12—15 ойлик бузоқларда мускул тўқимасининг ўсиш тезлиги ёғ миқдорининг ортишига кўра жадалроқ бўлади. Бинобарин, шу ёшда гўштга сўйилган бузоқлар мускул ва ёғ тўқимасининг нисбатига кўра энг мақбул ҳисобланади.

18 ойликдан кейин танасида моддалар алмашинуви ўзгариши ва ҳоказолар натижасида ёғ тўқимаси кўпаяди. У ҳам гўшт таркибида, ҳам ички органларда кўп бўлади. Бир вақтнинг ўзида мускул толалари йўғонлашади. Шунингдек, ёғ тўқимасининг ҳосил бўлиши мускул тўқимасининг ўсишига кўра жадалроқ боради.

Шундай қилиб, қорамолларни гўштга боқишда организмида мускул ва ёғ тўқималари кўпайиб бориши қонуният ва хусусиятлари ҳисобга олиниши керак. Бинобарин, молларнинг гўшт маҳсулдорлигини оширишда кам маблағ ва вақт сарфлаб сифатли гўшт етиштириш асосий вазифа ҳисобланади.

3.3. Бузоқларнинг семизлик даражаси ва гўшtdорлик сифатлари.

Қорамолларнинг семизлик даражасини аниқлашда улар мускулатурасининг ривожланганлигига ва ёғ тўқимасининг кўпроқ бўлишига алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун қорамол танаси кўз билан чамалаб кўрилади ва ёғ тўқимаси кўпроқ бўладиган қисмлари (танасининг орқа қисми, думининг танага бириккан жойи, сағриси, думғазаси, қуймич дўмбоқчаси, чоти, охирги қовурғаси, елкаси, бўйни, кўкраги ва ҳоказолар) қўл билан ушлаб аниқланади.

Бўрдоқига боқилган молларнинг семизлик даражаси уларнинг танасида мускуллари бўртиб чиққанлиги ёки яхши ифодаланганлиги билан белгиланади. Бунинг учун танасининг орқа, елка, сон ва кўкрак қисмларига алоҳида аҳамият берилади. ГОСТ 5110—55 талабига кўра, барча турдаги қорамоллар (бузоқ, сигир, новвос ва ахталанган буқа — хўкиз) нинг семизлик даражасини аниқлаш к.абуд қидинган. Стандарт бўйича мол л ар ёши ва жинсига қараб группаларга ажратилади ва талаб этилган категориялар асосида белгилаш қўлланилади.

ГОСТ 5110—55 талаблари асосида қорамоллар семизлик даражасига кўра тўрт группага бўлинади. I группага 3 ёшдан катта бўлган сигир ва хўкизлар; II группага 3 ёшдан катта буқалар; III группага 3 ойликдан то 3 ёшгача булган моллар ва IV группага 14 кунликдан 3

ойликкача бўлган бузоқлар киритилади. Молларни стандарт асосида группаларга бўлган вақтда уларнинг ташқи кўриниши ва физиологик ҳолати ҳисобга олинади.

ГОСТ 5110—55 талабларига кўра катта ёшдаги моллар (хўкиз ва 3 ёшдан катта сигирлар), шунингдек, ёш моллар учта: ўртачадан юқори, ўртача ва ўртачадан паст семизлик даражасига бўлинади. Буқа ва бузоқлар эса семизлигига кўра I ва II (ўртачадан юқори ва ўртача) даражада баҳоланади.

Ўртачадан юқори семизликдаги молларнинг мускуллари яхши ривожланган, танаси юмалоқ, танасининг орқа қисми ва сонлари тўлишган, гўштдорлик хусусиятлари яхши ифодаланган, бел ва елка қисми текис, умуртқа суяклари сезилмайдиган ҳолда бўлиши керак.

Ўртача семизликдаги молларнинг мускуллари деярли қониқарли даражада ривожланган бўлади. Уларнинг танаси унча тўлишмаган, бели тортилган, кўкрак қисми, елкаси ва бел умуртқалари, шунингдек, орқа суяклари анча бўртиб чиққан бўлади. Танасининг бир қанча қисмлари (кўкраги, бўйни, қовурғаси)нинг устки томонида ҳамда дум ўзаги атрофида, қўлтиғида ёғ тупламлари сезиларли даражада бўлиши керак.

Ўртачадан паст семизликда бўлган молларнинг мускуллари унча яхши ривожланмаган, сонлари яссилашган, тортилиб турган ҳолда бўлади. Шунингдек, танасининг бел, елка, умуртқа ва орқа қисми суяклари бўртиб чиққан ҳамда гавдасида ва тери остида ёғ қатламларининг бўлиши сезилмайдиган даражада бўлади. Ёш молларнинг мускуллари эса суст ривожланган бўлади.

Буқаларнинг семизлик даражаси асосан икки группага (ўртачадан юқори ва Ўртача семизлик) бўлинади. Ўртачадан юқори семизликда бўлса, уларнинг мускуллари яхши ривожланган, гўштдорлик хусусиятлари тўла ифодаланган, танаси тўла ва юмалоқ кўринишда бўлиши; кўкрак қисми, яғрини, бели ва танасининг орқа қисми кенг, сони ва кўкрак-курак қисми сергўшт, суяклари бўртиб чиқмаган бўлиши керак.

Ўртача семизликда бўлса, мускуллари қониқарли даражада ривожланган, танаси тўлишмаган, скелет суяклари бўртиб чиққан бўлади. Шунингдек, кўкраги, елкаси, бели ва танасининг орқа қисми бир оз бўлсада торайган, сони ва курак қисми тортилган ва унча тўлишмаган бўлади.

Бузоқларнинг семизлик даражаси ҳам икки группага (ўртачадан юқори ва ўртача семизлик) бўлинади. Ўртачадан юқори семизликда бўлганда сут билан боқиладиган бузоқларнинг вазни 30 кг дан паст бўлмаслиги керак. Уларнинг мускуллари яхшигина ривожланган, елка ва бел умуртқа суяклари бўртиб чиқмаган бўлиши керак.

Ўртача семизликда бўлса, сут билан бокиладиган бузоқларнинг мускуллари унча яхши ривожланмаган, елка ва бел умуртка суяклари бўртиб чиққан бўлади. Гўшт нимталарида эса ёғ қатламлари бўлмайди.

Агар моллар тирик ҳолида семизлик даражасини баҳолашда келишмовчилик бўлса, у ҳолда контрол сўйиш талаб этилади. Бунда сўйилган гўшт нимталари давлат стандарти (ГОСТ 5110—55) талаблари асосида баҳоланади.

Сўйим чиқими. Молларнинг гўшт маҳсулдорлигини аниқлашда ва тўғри баҳолашда сўйим чиқими муҳим аҳамиятга эга. Сўйим чиқими деганда, гўшт нимталари билан ички ёғи вазнининг молни сўйишдан олдинги тирик вазнига бўлган нисбати тушунилади ва у процент билан белгиланади. Сўйим чиқимини осон ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$C_{\text{ч}} = \frac{G_{\text{н}} + E_0}{T_{\text{н}}} \cdot 100.$$

119

Бунда: $C_{\text{ч}}$ — сўйим чиқими; $G_{\text{н}}$ —гўшт нимтасининг вазни; E_0 — ички ёғнинг вазни; $T_{\text{н}}$ —сўйишдан олдинги тирик вазни.

Молларнинг сўйим чиқими уларнинг ёшига, жинсига, зотига, ориқ-семизлигига ва сўйишдан олдинги вазнига боғлиқ бўлади. 4—5 ойлик бузоқларнинг сўйим чиқими «катта ёшдаги молларникига қараганда паст бўлади. Бунга асосий сабаб, бузоқларнинг калла-почаси гавдаси бирлигига кўра оғирроқ ва мускуллари ҳамда ёғ тўқимаси сустроқ ривожланган бўлишидир.

Қорамолларнинг ёши катталашиши билан танасидаги гўшт-ёғнинг вазни орта боради, бинобарин, сўйим чиқими ҳам юқори бўлади. Ахталанган новвосларнинг сўйим чиқими энг юқори бўлади. Шунингдек, гўштдор зот молларнинг сўйим чиқими серсут зот молларникига қараганда юқори бўлади. Сўйим чиқими молларнинг семизлик даражасига ҳам боғлиқ. Бинобарин, ўртачадан юқори семизликдаги молларнинг сўйим чиқими 60—65% ни ташкил қилса, ориқ молларники 42—48% га тенг бўлади.

Гўштнинг сифати ва уни баҳолаш. Гўштнинг сифати нимталардаги сортли бўлақларнинг нисбати ва миқдори, нимталардаги ёғ тўпламлари ва қаватларининг бир текис бўлиши, гўштнинг химиявий таркиби ҳамда туйимлилиги — калорияси билан белгиланади. Бундан ташқари, гўштнинг сифатига яна бир қанча факторлар (молларнинг ёши, зоти, ориқ-семизлиги, боқиш усули, жинси, парвариш қилиниши ва ҳоказолар) таъсир қилади. Шунингдек, новвосларни ахталаш ҳам гўштнинг сифатига ижобий таъсир

кўрсатади. Кузатишларга қараганда, ахталанган новвосларнинг гўшти майин, юмшоқ ва тўйимлилик даражаси юқори бўлиши аниқланган.

Илғор тажрибалардан маълум бўлишича, ёш моллар 18—20 ойликкача жадал усулда гўштга боқилганда уларнинг вазни 450—500 кг га етади ва гўшти сифатли ҳамда тўйимли бўлади.

Сўйилган молларнинг ёшига «қараб, гўшти икки гурппага бўлинади. Биринчиси — бузоқ гўшти, яъни 3 ойгача бўлган бузоқларнинг гўшти ҳисобланади. Иккинчиси — мол гўшти, яъни 3 ойликдан катта бўлган барча турдаги қорамолларнинг гўшти ҳисобланади, Ёш бузоқларнинг нимталанмаган гўшти 9 қисмга ва катта ёшдаги молларники 12 қисмга, яъни сортли бўлақларга бўлинади.

Гўшт нимталари сифат хусусиятларига кўра, Давлат стандарти (ГОСТ 7595—55)га мувофиқ нимта ва сортли бўлақларга бўлинади. Бинобарин, олдии нимталарга, кейин учта сортга мансуб тўққиз бўлақка ажратилади. ГОСТ 7595—55 талабларига кўра, нимта гўштининг орқа, бел ,тос, думғаза, биқин, сон ва кўкрак қисми I сортга; кўкрак, елка ва шапоқ (қорин пардаси) қисми II сортга; бўйин гўшти, орқа ва олдинги оёқлари ҳамда илик суяқларининг пастки қисми III сортга киради. Нимталанмаган гўшт аввало кўндалангига икки (олд ва орқа) қисмга бўлинади. Нимтанинг олд ва орқа қисмидаги бўлақлар қуйидаги анатомик чизиклар бўйича бир неча сортларга ажратилади Шапоқ — қорин парда гўшти юқори томонида тизза бўғимидан охириги қовурғанинг пастки учдан бир қисмигача давом этади, олд томони ўн биринчи ва ўн иккинчи қовурғалар оралиғида бўлиб, орқа томони қорин пардасининг тугаган жойидан сонининг болдир қисмигача давом этади.

Биқин олд томондан ўн биринчи ва ўн иккинчи қовурға оралиғидан, орқа томондан эса охириги ва ундан олдинги белумуртқа суяги бўғини оралиғидан ажратилади. Биқин бўлагига ўн иккинчи ва ўн учинчи (пастки учи шапоққа туташ) қовурға, охириги иккита елка умуртқалари ва битта олдинги бел умуртқалари киради.

Тос олд томондан биқин бўлаги билан ва орқа томондан сон суяги бўйлаб, тос суягининг олдинги қисми билан чегараланади.

Думғаза олд томондан тос бўлаги билан ва пастки томондан сон суягининг учинчи қисмидан кўндаланг ўтган чизик орқали ажратилади.

Сон тос, думғаза ва орқа оёқилик суяги бўлақлари билан чегаралаиади.

Орқа оёқнингилик суяги болдир суягининг пастки учинчи қисми орқали ўтказилган чизик орқали сон бўлагидан ажраладн.

Бўйин бўғиз бўлаги иккинчи ва учинчи бўйин умуртқаси оралиғидан ажратилиб, унга биринчи ва иккинчи бўйин умуртқалари киради.

Курак бўлаги олдинги бўйин бўғизлоғи ажратилган чизик бўйлаб, орқа томондан бешинчи-олтинчи қовурға оралиғи бўйлаб, пастки томондан эса қовурғаларнинг пастки томондан учинчи қисми бўйлаб, елка-курак бўғимларига қараб йўналган чизик орқали чегараланади. Уни бўйин ва курак қисмларга ҳам бўлиш мумкин. Курак бўлагига бешта бўйин умуртқаси, бешта елка умуртқаси, бешта қовурға (пастки қисмларидан ташқари) ҳамда курак суяклари киради.

Елка устки томондан курак-елка бўғими орқали ўтган чизик билан, пастки томондан эса илик суягининг ўртасидан кўндаланг ўтган кесик орқали чегараланади. Кўкрак қисми оралиғидаги мускулларни қирқиш усули билан ажратилади. Елка бўлагига елка суяги ҳамда тирсак суякларининг қоқ ярми киради.

Олдинги оёқнинг илик суяги елка бўлаги билан чегарадош бўлиб, унга тирсак суякларининг пастки қисми ва бўғин суяги киради.

Кўкрак бўлаги юқори томондан қовурғаларнинг пастки томондан учдан бир бўлаги елка-курак бўғимларига йўналган чизик орқали, орқа томондан эса ўн биринчи ва ўн иккинчи қовурға оралиғи билан чегараланади. Унга кўкрак суяклари, тоғай ва қовурғаларнинг пастки томондан учдан бир қисми киради. Курак бўлагини икки қисмга — кўкрак ва тўшга бўлиш мумкин.

Елка ва бел бўлаги олд томондан курак қисмидан ажратилган жой, орқа томондан ўн биринчи ва ўн иккинчи қовурға оралиғи, пастки томондан кўкрак бўлаги чизиги билан чегараланади. Унга 6—11-елка умуртқаси, 6—11-қовурғалар (пастки томони кўкрак қисми билан чегараланади) киради.

Нимта бўлаклари орасида биқин, тос ва сон қисмлари сифатли гўшт ҳисобланади. Бу бўлақлар вазнининг катта бўлиши бир қанча факторларга, жумладан, молларнинг ёшига, зотига ва ориқ семизлигига боғлиқ эканлиги аниқланган.

Маълумотларидан кўриниб турибдики, тажриба мақсадида сўйилган молларнинг ориқ-семизлигига кўра улардан олинадиган сортли бўлақларнинг салмоғи ҳам ҳар хил бўлган. Масалан, молларнинг семизлик даражаси ўртачадан юқори бўлганда I сорт бўлақлар 63,35%, II сорт бўлақлар 32,65% ва III сорт бўлақлар 4% ни ташкил этган. Семизлик даражаси ўртача бўлганда I сорт бўлақлар 63,50%, II сорт бўлақлар 32,28% ва III сорт бўлақлар 4,22% га тенг бўлган. Нихоят, семизлик даражаси ўртачадан паст бўлганда I сорт бўлақлар 63,81%, II сорт бўлақлар 31,63% ва III сорт бўлақлар 4,56% бўлган.

Гўштининг сифати ва тўйимлилиги таркибидаги ёғ ва оқсил моддалар миқдорига боғлиқ. Текширишлардан маълум бўлишича, 1 г ёғда 9,3 ккал ва 1 г оқсилда 4,1 ккал мавжуд экан. Лекин озиқ сифатида мускул тўкимасининг аҳамияти ва роли одам учун бекиёсдир.

Молларнинг етилувчанлиги ва тез семириш хусусиятлари. Молларнинг гўшторлиги уларнинг етилувчанлиги билан ҳам аниқланади. Етилувчанлик эса молларнинг қисқа вақт ичида тез семириб, танасида кўп миқдорда (вазнига кўра) гўшт тўплай олиш хусусиятига боғлиқ бўлади. Тез етилувчан моллар ёшлигиданоқ жадал ўсади, еган ем-хашаги асосан семиришига сарфланади, қисқа вақтда юқори даражада семиради ва семириш бирлиги учун кам озиқ сарфлайди. Бунга гўшт учун боқиладиган гўштор зот молларни мисол қилиб келтариш мумкин. Улардан олинадиган бузоқлар гўшт маҳсулдорлиги жиҳатидан тез етилувчан ҳисобланади. Бинобарин, қисқа вақт ичида улар яхши, юқори даражада семира олади, гўшти майин, серсув ва сифатли бўлади. Гўштининг «мармарлик» белгиси яхши ифодаланган бўлади.

Кузатишларга қараганда, қалмоқи зот молларнинг бичилган новвослари 8 ойлигидаёқ 100 кг (сўйилган вазнда) гўшт берган. Гўшти таркибидаги оксил 22—26%, ёғ 11—16% ва 1 кг гўшда 1800—2000 ккал бўлган ҳамда териси ўртача 15 кг ни ташкил қилган. 12 ойлик новвосларнинг сўйилган вазни 180—190 кг тош босган, териси 28—29 кг га тўғри келган. Танасидаги (тўшидаги) суяклар миқдори 18—20% бўлган. Уларнинг гўштида 17—20% ёғ, 17,6—18,7% оксил ва ҳар 1 кг да 2700—2900 ккал бўлгани ҳолда юқори баҳоланган.

Тез семирадиган карамоллар серсут зот моллардан анча устун бўлади. Серсут молларнинг гўшти тўйимлилиги жиҳатдан унча юқори даражада бўлмайди ва 18—25 ойлигида ҳам 1 кг гўштининг калорияси тахминан 2000—2500 ккал ни ташкил қилади.

Шундай қилиб, молларнинг тез етилувчанлиги ва гўшт учун тез семириш хусусияти муҳим аҳамиятта эа. Бинобарин, бундай моллар қисқа вақт ичида тез ўсиб, танаси юмалоқлашади, жуни ялтироқ ва майин, териси қалин ва бўш бўлади. Яхши семирганларидан айрим вақтларда 70—72% гўшт олинади.

3.4. Гўшт етиштиришни жадал усулда ташкил этиш ва унинг иқтисодий самарадорлиги

Мол гўштини жадал усулларда етиштириш, унинг сифатини яхшилаш, даставвал молларнинг гўшт маҳсулдорлигини ошириш, меҳнатни тўғри ташкил қилиш, унинг унумдорлигини ошириш, мавжуд техника воситаларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда чорвадорларнинг энг муҳим вазифаси халқимизни гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабини қондиришдан иборатдир. Шунга кўра, молларни бундан кейин нобуд бўлишига чек қўйиш, уларнинг туёқ сонини кўпайтириш,

барча чоратадбирлар асосида улар маҳсулдорлигини ошириш ниҳоят муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифа ҳисобланади.

Гўшт етиштиришнинг самарадорлигини ошириш бир катор тадбирларни ўз ичига олади. Ударнинг асосийлари: молларни боқишда сарфланадиган ем-хашак миқдори ва қиймати, шунингдек, озиқ бирлигининг таннархи; молларни семиртириш жадаллиги ва семириш даражаси; боқув сўнггидаги тирик вазни; молларни боқиш жараёнида турли хил хўжалик сарф-ҳаражатларидир.

Етиштириладиган гўштнинг таннархи, аввало молларни бир кунлик семириши ва уларга берилган ем-хашакнинг таннархига боғлиқдир. Шунга кўра, молларни гўштга семиртириш уларга едириладиган арзон ва тез ҳазм бўлувчи, организм учун керакли бўлган турли хил моддаларга бой бўлган қимматли ем-хашакка боғлиқ.

Бузоқларни гўштга семиртириш. Бузоқларни жадал технология асосида гўштга боқилганда улар кунига 700—900 г дан эт оладилар. Бир ёшга етганда уларнинг вазни зоти ва маҳсулот йўналишига кўра 320—380 кг, 18 ойлигида 400—480 кг тош босади.

Бузоқдарни бўрдокига семиртиришда 1 ц семириши учун ўртача 6—7 ц озиқ бирлиги сарфланса, 18 ойлигида у 7—8 ц атрофида бўлиши мумкин. Шунингдек, уларнинг 1 ц семиришига 3—4 ишчи куни миқдорида меҳнат сарфланади.

Бузоқдарни гўштга жадал семиртиришда энг сўнгги технологик усуллардан фойдаланиш, кўл меҳнати жараёнларини механизация зиммасига юклаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга. Умуман гўшт учун жадал технология асосида боқиладиган барча бузоқлар икки хил усулга кўра семиртирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Биринчи усул — янги туғилган бузоқдарни 2 ойлигига қадар жадал боқиб семиртириш ва гўштга топширишдир. Иккинчи усул — талабга кўра, бузоқлар 15—18 ой боқилади. Бунда уларни боқиш цикли асосан уч даврдан иборат бўлади. Жумладан, биринчи давр бузоқдарни 4—6 ойлигига қадар боқиш ва парваришlash, иккинчи давр уларни 12—15 ойлигигача жадал семиртириш ҳамда учинчи давр — сўнгги 3 ой мобайнида бўрдокига боқишдан иборат. Шундай қилиб, бузоқдарни гўштга семиртиришда уларнинг 4—6 ойлигидаги даври нисбатан самарали ҳисобланар экан.

Бузоқлар 15 ойликкача боқилганда уларнинг 1 ц семириши учун 7 ц озиқ бирлиги сарфланган меҳнат сарфи 4 киши-кунига тўғри келган. Айрим тажриба ва кузатувларга қараганда, бузоқлар жадал технология асосида боқилганда уларнинг кунлик семириши учун ўртача 8—9 ц озиқ бирлиги сарфланган.

Хулоса шуки, бузоқдарни бўрдокига боқишда жадал технологиянинг барча воситаларидан унумли фойдаланиш, арзон ва сервитамин ем-хашак турларини кўпроқ

сарфлаш, меҳнат унумдорлигини ошириб, маҳсулот таннархини арзонлаштириш эвазига кўп гўшт етиштириш аниқданган.

Бузокдарни 12—15 ойлигидан кейин 3 ой жадал технология асосида бўрдоқига боқиш гўшт етиштиришда муҳим ўрин тутди. Бунда бузокдарнинг 1 ц семириши учун 3,5 киши куни сарфланган, унинг рентабеллик даражаси эса ўртача 75 фоизни ташкил қилган.

Гўшт етиштиришнинг рентабеллиги.

Гўшт етиштиришнинг рентабеллик даражасини ошириш бир неча омилларга боғлиқ эканлиги аниқданган. Кузатишларга қараганда, моллар асосан қимматли (аралаш, омихта ем, кунжара, кукун кунжара ва ҳ.к.) озиклар билан боқилса ва уларнинг бир кунлик семириши 400 г атрофида бўлса, хўжаликлар даромад олиш ўрнига иқтисодий зарар кўриши мумкин. Бордию молларнинг семириши ўртача 600—800 г ни ташкил қилса ва уларни арзон (серсув, дағал ва дастлабки ишлов берилган ғўзапоя ва ҳ.к.лар) ем-хашак бериб боқилса, бузоқлар 18 ойлигида 400—450 кг тош босиши, у ҳолда рентабеллик даражаси 100 фоиздан юқори бўлиши синаб кўрилган.

Маълумки, авваллари барча жамоа ва давлат хўжаликлари раҳбарлари ўз хўжаликларидаги ёш бузокдарни бурдоқчилик пункта ва комплексларига тўғридан-тўғри жўнатиб сотаверган бўлсалар, ҳозир бу ишни бошқачароқ йўлга қўйганлар. Бунинг боиси шундаки, ишнинг кўзини билган ферма ходимлари ёш молларни фермаларда сақлаб қолиб, жадал технология асосида семиртириб, юқори кондицияга етказиб сотмоқдалар, эвазига катга даромад олмақдалар.

Баъзи маълумотларга қараганда, хўжаликлар бузоқларни 4 ой давомида жадал семиртириб, ўртача 100 кг вазнда бўрдоқчилик пунктлари ва комплексларига сотганларида унинг рентабеллик даражаси бир мунча юқори бўлган. Умуман, барча бўрдоқчилик хўжаликларининг рентабеллик даражаси ҳамма вақт юқори бўлиши кўплаб кузатишлар билан аниқланган.

Гўшт қорамолчилигини жадал ривожлантириш ва чорвачилик маҳсулотини ҳар томонлама кўпайтириш долзарб, ҳаётий аҳамиятга эга. Бу тармоқни хўжаликлараро кооперациялаш ва агросаноат интеграцияси, чорвачиликни жадал ривожлантириш, фан-техника тараққиётини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, моллар маҳсулдорлигини кескин ошириш, маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш, унинг таннархини арзонлаштириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш билан юксалтириш мумкин.

Чорвачиликнинг муҳим ва етакчи тармоғи ҳисобланган қорамолчилиқни жадал ривожлантириш, бу соҳадаги резервлардан самарали фойдаланиш гўшт етиштиришни кўпайтиришда муҳим омилдир. Бундай резервлар эса ҳар бир вилоят, туман ва ҳар бир хўжалиқда мавжуддир.

Матбуот маълумотларига кўра, Тошкент вилоятидаги собик «Чиноз» наслчилик хўжалигида бўрдоқига боқилган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 548 кг га етказилган. Афсуски, айрим вилоят (Хоразм, Сурхондарё, Фарғона ва бошқа)лардаги хўжаликларда бу кўрсаткич базўр 320—330 кг га етмоқда. Хўжаликларда қорамолларни ўстиришнинг илғор усуллари жорий этилмаган. Бўрдоқига боқилган моллар белгиланган даражага етказиб семиртирилмаётир. Хўжаликларда қорамолни жадал семиртириш бўйича ихтисослаштирилган фермалар ташкил этилиши лозим.

Республикамизнинг айрим вилоят хўжаликларида ем-хашак турлари тобора кўпайтирилмоқда. Бироқ пичан, сенаж, силос, иддизмева тайёрлаш миқдори чорвачилик эҳтиёжларини ҳозирча қондирмаяпти. Ана шуларнинг ҳаммаси жойларнинг ўзида юқори сифатли ем-хашак етиштиришни тақозо этади. Бунга кўплаб хўжаликларда имконият мавжуд. Уларнинг етарли экинзорлари, ўтлоқдари, яйловлари ва суғориладиган ер майдонлари бор. Лекин бирқанча жойларда ем-хашак эски усулда етиштирилмоқда. Ўт-ўланларнинг ҳосилдорлиги нихоятда паст. Яйлов ва пичанзорларни бегона ўтлар босиб кетган. Айрим хўжаликларда ҳайвон маҳсулдорлигини ошириш имконини берувчи ширали озик турлари (хашаки, ним ширали, озикбоп) лавлагилар экилмаяпти. Сифатли беда пичани режадан кам бўлиши билан бирга уларга дастлабки ишлов бермасдан молларга таркатилмоқда.

Ҳозирги вақтда кўплаб хўжаликлар суғориладиган ҳар гектар ердан 120—130 ц дан беда пичани ўриб олмоқда.

Қишлоқ хўжалиги мутахассислари кўкламги дала ишлари бошланишидан аввал озикбоп экинлар структурасини аниқлаб олишлари, қанча миқдорда ем-хашак, қандай серҳосил ўсимлик турларини экиш ҳамда уларнинг энг серҳосил ва тўла қимматлиларини танлаб олишлари мақсадга мувофиқдир.

Чорва молларида оқсил тақчиллигини ҳисобга олган ҳолда дуккакли экинлар майдони кенгайтирилиши шарт. Айниқса, озикбоп ловия, нўхат, соя ва бошқа турдаги ўсимликлар экилишига алоҳида эътибор бериш, шунингдек, такрорий ва оралик экинларни экиш ва улар ҳосилдорлигини ошириш, экинзорларни ўғитлаш ва умуман агротехника қонун-қоидаларига риоя қилиш талаб этилади.

Озикбоп экинлар экилган далалар маданиятини, уларнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари мавжуд. Айрим хўжаликларда моллар учун пичан, силос, иддизмева етиштиришга кам эътибор берилмоқда, бунинг ўрнига дон етиштиришни авж олдирмоқдалар.

Мутахассис ва деҳкон фермерларнинг илғор иш тажрибалари, бой билимлари ҳамма вақт моллар учун кўпроқ ширали ва дағал озик турларини ва умуман ем-хашакни мумкин қадар кўпроқ ва сифатлироқ жамғариш кераклигини кўрсатади.

Турли иқтисодий имкониятларга эга булган туманларда мавжуд табиий, зонал, экологик ва моддий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш муҳим муаммо бўлиб турибди. Шунингдек, қорамолчилик тармоқдарини марказлаштириш, йирик чорвачилик фермаларини ташкил этиш, эски фермаларни қайта тиклаш тармоқни ихтисослаштириш билан узвий боғлиқдир. Ишлаб чиқаришни марказлаштириш ишларини жадаллаштириш жараёнлари билан бирга олиб борилиши керак. Бунда маҳсулот етиштиришни саноат асосига кўчириш, фан ютуқларини ва илғорлар тажрибасини жорий этиш, муайян тармоқни бошқариш ишларини такомиллаштириш муҳим ўрин тутади.

Гўшт етиштириш технологиясини такомиллаштириш. Гўшт етиштириш технологиясининг асосий мақсади юқори сифатли гўшг етиштиришга қаратилган. Гўштни сифати эса бир канча омиллар: молларни жадал парваришлаш ва бўрдоқига семиртириш; уларнинг боқиш техникаси ва технологияси; молларнинг зоти, ёши, жинси ва тез етилувчанлиги билан белгиланади.

Тез етилувчанлик — деганда, ёш молларни жадал усулда семиртириш, яъни қисқа вақт ичида кўпроқтош босиши, ем-хашакни максимал даражага етказиш тушунилади. Бу хусусият, аввало молларнинг зоти билан белгиланади. Гўштдор зотли моллар асосан тез етилувчан ҳисобланади.

Юқори сифатли гўшт ёш молларни жадал усулда семиртириш натижасида олинади. Бундай мол гўшининг асосий қисми гўшт тўқимасидан (мускуллардан) ташкил топган бўлади. Сифатли гўшт юмшоқ, ранги оч пушти, тез ва осон кесилади. Бундай гўшт таркибида камида 18—22 фоиз оқсил ва 18 фоиз атрофида ёғ бўлади. Ёш моллар бир ёш бўлганига қадар гўшт ва суяк тўқималари, қолган бошқа орган ва тўқималарига нисбатан жуда тез, жадал ўсади ҳамда ривожланади. Демак, юқори сифатли гўшт етиштириш учун ёш молларни бўрдоқига жадал усулларда боқиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боисдан ёш молларга бериладиган ем-хашак сифатига ва таркибига алоҳида эътибор берилади.

Ёш молларга мўлжалланган озикдарнинг таркиби турли хилдаги минерал элементларга ва витаминларга ҳам бой бўлиши керак.

Ёш молларни боқиш учун ем-хашак сифатли бўлиши, катъий рацион асосида берилиши шарт.

Айрим хўжаликларда ёш бузоқларни 18—20 ой давомида гўштга боқиш учун ўртача 3000—3100 озик бирлиги ва 300—360 кг ҳазм бўладиган протеин сарфланиб, вазни

400—450 кг га етказилган. Бошқача қилиб айтганда, 1 кг семириши учун 7—8 озиқ бирлиги ва 1 кг озиқ бирлиги таркибида 100 ҳазмланадиган протеин бўлишига эришилган. Натижада новвослар семиз даражасида бўлган ва уларнинг чиқими ўртача 55—58 фоизга тўғри келган. Шунингдек, 1 кг мол гўшти таркибида ўртача 2500—3000 ккал энергия бўлиши аниқданган. Бундай гўшт юқори сифатли, тез ҳазм бўладиган, юмшоқ ва мазали бўлади.

Симментал зотли новвослар устида олиб борилган тажрибаларда улар икки гуруҳга бўлиниб, биринчи гуруҳи жадал усулда семиртирилган. Иккинчи гуруҳ новвослар эса суст усулда боқилган. Натижада улар 18 ойлик бўлганда, жадал усулда боқилганлари иккинчи гуруҳдагиларга қараганда деярли икки марта кўп тош босган. Гўшт чиқими ва сифати жихатидан биринчи гуруҳ кўпгина устунликларга эга бўлган. Новвослар суст усулда боқилганда мускул тўқимаси ниҳоятда секин ривожланади, лекин ички органлар тизими, суяк тўқимаси, тери ва бириктирувчи тўқималари маълум даражада ривожланишда давом этади. Улар бир ярим ёшга етганда 150—200 кг тош босганлар. Бундай новвослар қисқа вақт ичида сўйимга боқилганда, аввало, уларнинг ички органларида ва тери остида ёғ тез тўпланади. Мускул тўқимасида сув кўпайиб боради. Лекин гўштининг сифати яхши бўлмайди. Унда кўпроқ чандир ва пай микдори ортади.

Новвослар 2,5—3 ой боқилганда 280—300 кг тош босади, уларни сўйган вақтда нимталанмаган танасининг 10—12 фоизи бириктирувчи тўқима, 25 фоизи суяк, 10—22 фоизи ички ёғи ва гўшт таркибида 15—16 фоиз оқсил бўлиши аниқданган. Лекин бундай новвосларнинг гўшти юқори кондиция талабига жавоб бера олмайди. Демак, юқори сифатли, мазали, майин, тез ҳазм бўладиган гўшт етиштиришнинг муҳим омилларидан бири — ёш новвослардир! 15—18 ойлигига қадар жадал технология асосида семиртириш ва юқори кондицияда гўштга топширишдир.

Мол гўшти инсон учун энг қимматли озиқ ҳисобланади. Унинг тўйимлилиқ қиммати таркибидаги оқсил ва ёғнинг микдори билан белгиланади. У асосан мускул ва ёғ тўқималарида тўпланади.

Тоғай ва суяк тўқималар юқори озиқлик қимматига эга бўлмайди, лекин улар умумий нимталанган гўштнинг бир қисмини ташкил қилади. Молларнинг ориқ-семизлигига кўра мускул тўқимаси 51—63 фоиз, мой тўқимаси 2—14 фоиз ва суяк тўқимаси 20 фоиз атрофида бўлади. Умуман молларнинг гўшт маҳсулдорлиги кўп жихатдан уларнинг ориқ-семизлигига, жинсига, ёшига, зотига, боқиш усулига, парвариш қилишга ва индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Гўштнинг умумий тўйимлилиги унинг калорияси билан ўлчанади ва у биринчи галда молнинг семизлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Умуман, 1 кг мол гўштининг

калорияси, юқорида кайд қилиб ўтилганидек 1200—3000 ккал га тенгдир. Гўшт қанчалик серёғ бўлса, унинг калорияси ҳам шунчалик юқори бўлади. Шу билан бирга унинг таркибий қисми ҳам турлича бўлади.

Шундай қилиб, молларнинг гўшtdорлик хусусияти уларнинг ориқ-семизлигига боғлиқ экан. Бундан ташқари, гўшtnинг тўйимлилиги, мазаси ва барча ижобий белгилари уларнинг зотига ва маҳсулот йўналишига ҳам боғлиқдир. Масалан, маҳсус гўшт йўналишидаги гўшtdор зот (геррефорд, сайта-гертруда, абердин-ангус, шортгорн, қозоқи оқбош, қалмоқи каби)лар ўзининг тез етилувчанлиги, гўштининг юқори сифатли, майин, мармарсимон (мускуллари орасида қатлам-қатлам ёғи бўлиши) хусусиятлари билан бошқа зотлардан фарқ қилади. Бошқа зотлар гўштга семиртирилганда ёғ тўқима асосан ички органларида ва тери остида тўпланса, гўшtdор зотли молларда эса ёғ тўқима мускуллар оралиғига жойлашган бўлади ва у гўшт сифатини яхшилашда, унинг майинлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Мол гўшти ҳайвоннинг ёшига кўра ҳам сифат жиҳатдан фарқ қилади. Молларнинг тирик ва сўйилгандага вазни, ҳамда гўшт чиқими уларнинг гўшtdорлик хусусиятини аниқлашда муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Молларнинг териси, калла-почалари ва ички органлари олиб ташлангандан қолган (тўш) қисмига уларнинг сўйилган вазни деб юритиш қабул қилинган. Унинг ҳайвон тирик вазнига бўлган нисбати эса сўйим чиқими деб аталади.

Кузатишлардан аниқланишича, гўшт чиқими молларнинг ориқ-семизлигидан ташқари, уларнинг маҳсулот йўналишига ҳам боғлиқ экан. Масалан, яхши семиртирилган гўшtdор зотли молларда 60-65 фоиз ва ундаи ҳам кўпроқ, қўш маҳсулот (гўшт ва сут)ли молларда 55-60 фоиз ва сут йўналишидагиларга эса 50-55 фоиз гўшт чиқими бўлиши, умуман семиз молларда гўшт чиқими ориқларига қараганда 10-15 фоиз кўпроқ бўлиши аниқланган.

Моллардан яна пойафзал саноати учун қимматбаҳо тери ҳам олинади. Бундай терилар қалин-юпқалига оғир-енгиллиги ва сифат белгиларига кўра оёқ кийимларнинг турли қисмлари учун ишлатилади. Терининг оғирлиги молларнинг вазнига ва жинсига боғлиқ бўлгани ҳолда уларни тахминан 6-7 фоизини ташкил қилади.

Молларнинг семириш жадаллиги бирмунча омилларга: ёши, озиклантириш даражаси, зоти ва жинсига боғлиқ. Шу хусусиятларига кўра гўшtnинг морфологик қисмларининг салмоғи, кимёвий таркиби ва тўйимлилиги ҳам ҳар хил бўлади.

Аниқланишича, туғилган вақтида йирик вазнли бузоклар жадал ўсишга мос бўлади, кунлик семириши жихатидан бир вақтда туғилган тенгкурларидан ўзиб кетиши кузатилган. Лекин ёш бузокдар организмда мускул ва ёғ тўқималарига кўра суяклари ва

бириктирувчи тўқима миқдори вазн бирлигига кўра катта ёшли молларникидан кўпроқ бўлади.

Бузоқларнинг ўсиши билан унинг организмидаги барча тўқималарнинг салмоғи турли жадалликда ортиб боради. Айниқса, мускул ва суяк тўқималарининг ўсиши тезлашади. Танада ёғ миқдори кўпая боради. 6—9 ойгача бўлган бузоқларнинг тўқималарида сувнинг камайиши ҳисобига ёғнинг ҳосил бўлиши кучаяди. Лекин 12—15 ойлик бузоқларда мускул тўқимасининг ўсиш тезлиги, ёғ миқдорининг ортиши жадалроқ боради. Бинобарин, шу ёшда гўштга сўйилган новвосларда мускул ва ёғ тўқимасининг нисбатига кўра энг маъқул даври ҳисобланади.

18 ойлик новвосларда айрим тўқималарнинг ҳосил бўлиши сусая боради. Лекин ёғ тўқимаси кўпаяди. У ҳам гўшт таркибида, ҳам ички органларда кўпроқ учрайди. Бир вақтнинг ўзида мускул толалари йўғонлашади. Шунингдек, ёғ тўқимасининг ҳосил бўлиши мускул тўқимасини ўсишига кўра жадалроқ бўлиши аниқланган.

Шундай қилиб, молларни гўшт учун боқканда уларни семириш тезлиги ва организмида мускул ҳамда ёғ тўқималарининг кўпайиб бориш хусусиятларини ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, молларнинг гўшт маҳсулдорлигини оширишда кам маблағ ва вақт сарфлаган ҳолда юқори натижаларни кўлга киритиш муҳим аҳдмият касб этади.

Молларнинг семизлик даражасини аниқлашда уларнинг мускуллари тараққий этганлиги ва ёғ тўқимасининг кўпроқ бўлишига алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун мол танасини кўз билан чамалаб кўрилади ва ёғ тўқимаси кўпроқ бўладиган қисмлари (танасининг орқа қисми, думининг танага бириккан жойи, сағриси, думғазаси, қўймич дўмбоқчаси, чоти, сўнгги қовирғаси, елкаси, бўйин, кўкрак ва ҳ.к) қўл билан ушлаб аниқланилади. Бўрдоқига боқилган молларнинг семизлик даражаси уларнинг танасида мускулларнинг бўртиб чиққанлиги ёки яхши ифодаланганлиги билан белгиланади. Бунинг учун танани орқа, елка, сон ва кўкрак қисмларига алоҳида аҳамият берилади.

Давлат стандарти талабига кўра барча турдаги мол (бузоқ, сигир, новвос ва ахталанган бука, ҳўкиз)ларни семизлик даражасини аниқлаш қабул қилинган. Стандарт бўйича моллар ёши ва жинсига кўра гуруҳларга ажратилади ҳамда талаб этилган категориялар асосида белгиланади. Стандарт талаблари асосида моллар ўзининг семизлик даражасига кўра тўрт гуруҳга бўлинади. 1-гуруҳга — 3 ёшдан катта бўлган сигир ва ҳўкизлар; 2-гуруҳга — 3 ёшдан катта бузоқлар; 3-гуруҳга — ёши 3 ойлигидан то 3 ёшгача бўлган моллар ва 4-гуруҳга — 14 кунлигидан то 3 ойлигита қадар бўлган бузоқлар киритилади. Молларни стандарт асосида гуруҳларга бўлган вақтда уларнинг ташқи кўриниши ва физиологик ҳолати ҳисобга олинади.

Стандарт талабига кўра катта ёшдаги мол (хўкиз ва уч яшардан катта сигир)лар, шунингдек, ёш моллар учта: ўртадан юқори, ўрта ва ўртадан паст семизлик даражасига бўлинади. Буқа ва бузоқлар эса ўзининг семизлигига кўра I ва II (ўртадан юқори ва ўрта) даража асосида баҳоланади.

Ўртадан юқори семизлик даражасидаги молларнинг мускуллари яхши ривожланган, танаси юмалоқ, орқа қисми ва сонлари тўлишган, гўштдорлик хусусияти яхши ифодаланган, бел ва елка қисми текис, умуртка суякларининг бўртиб чиқиши сезилмайдиган ҳолда бўлади.

Ўрта семизликдаги молларнинг мускуллари деярли қониқарли даражада ривожланган. Уларнинг танаси унча тўлишмаган, бели бироз тортилган, кўкрак қисми, елкаси ва бел умурткалари, шунингдек орқа суяклари анча бўртиб чиққан. Танасининг бир қанча қисмлари (кўкрак, бўйин, қовурға)нинг устки томонида ҳамда дум ўзагининг атрофида ва кўлтиғида ёғ тўплamlари сезиларли даражада бўлади.

Ўртадан паст семизликда бўлган молларнинг мускуллари унча яхши ривожланмаган, сонлари яссилашган, тортилиб туради. Шунингдек, тананинг бел, елка, умуртка ва орқа қисми суяклари бўртиб чиққан ҳамда гавдасида ва тери остида ёғ қатламларининг бўлиши сезилмайдиган даражада, ёш молларнинг мускуллари эса суст ривожланган бўлади.

Новвосларнинг семизлик даражаси асосан икки гуруҳга, яъни ўртадан юқори ва ўрта семизликка бўлинади. Ўртадан юқори семизликда бўлса, уларнинг мускуллари яхши ривожланган, гўштдорлик хусусияти тўла ифодаланган, танаси тўла ва юмалоқ кўринишга эга, кўкрак қисми, яғрини, бели ва танасининг орқа қисми кенг, сони ва кўкрак-кўрак қисми сергўшт, тана суяклари бўртиб чиқмаган кўринишга эга бўлади.

Ўрта семизликда бўлса, мускуллари қониқарли даражада ривожланган, танаси тўлишмаган, скелет суяклари бўртиб чиқади. Шунингдек, кўкраги, елкаси, бели ва танасининг орқа қисми бироз бўлсада торайган, сони ва курак қисми тортилган ва мускуллари унча тўлишмаган бўлади.

Бузоқдарнинг семизлик даражаси ҳам икки гуруҳга, яъни ўртадан юқори ва ўрта семизликда бўлади. Ўртадан юқори семизликдаги сут билан боқилган бузоқдарнинг вазни 30 кг дан кам бўлмаслиги керак. Уларнинг мускуллари яхши ривожланган, елка ва бел умуртка суяклари бўртиб чиқмаган бўлиши керак.

Ўрта семизликда бўлса, сут билан боқиладиган бузоқларнинг мускуллари унча яхши ривожланмаган, елка ва бел умуртка суяклари бўртиб чиққан бўлади. Гўшт нимталарида эса ёғ қатламлари бўлмайди. Агар молларнинг тирик ҳолда семизлик даражасини баҳолашда келишмовчилик бўлса, у ҳолда назорат сўйиш ўтказиш талаб

этилади. Бунда сўйилган ҳайвон гўшт нимталарини баҳолаш ишлари ҳам давлат стандарти талаби асосида олиб борилади.

Сўйим чиқими. Молларнинг гўшт маҳсулдорлигини аниқлашда ва уни тўғри баҳолашда сўйим чиқими муҳим аҳамиятга эга. Сўйим чиқимини аниқлашда гўшт нимталарининг аҳамияти салмоқлидир.

Сўйим чиқими деб, гўшт нимталари билан ички ёғи оғирлигини молнинг сўйишдан олдинги тирик вазнига бўлган нисбатига айтилади ва у фоиз билан белгиланади. Сўйим чиқимини осон усулда ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$C_{\text{ч}} = \frac{\Gamma_{\text{н}} - \ddot{\text{Е}}}{T_{\text{в}}} \times 100$$

Бунда: $C_{\text{ч}}$ — сўйим чиқими; $\Gamma_{\text{в}}$ — нимта оғирлиги; $\ddot{\text{Е}}$ — ички ёғ оғирлиги, $T_{\text{с}}$ — сўйишдан олдинги тирик вазни.

Молларнинг сўйим чиқими уларнинг ёшига, жинсига, зотиға, ориқ-семизлигига ва сўйишдан олдинги вазнига боғлиқ бўлади.

4—5 ойлик бузоқдарнинг сўйим чиқими катта ёшдаги молларникига қараганда паст бўлади. Бунга асосий сабаб, бузоқларни калла-почалари гавда бирлигига кўра оғирроқ ва уларнинг мускули ва ёғ тўқималари сустроқ ривожланган бўлишидир.

Молларнинг ёши улғайиши билан, уларнинг танасидаги истеъмол қилинадиган қисмларининг вазни орта бошлайди, бинобарин сўйим чиқими ҳам юқори бўлади. Энг юқори даражадаги сўйим чиқими асосан ахталанган новвослардан (хўкизлардан) олинади. Шунингдек, гўштор зотли молларнинг сўйим чиқими сут йўналишидаги зотли молларникига нисбатан юқори бўлади. Сўйим чиқими молларнинг семизлик даражасига ҳам боғлиқ. Бинобарин, ўртадан юқори семизликда бўлган молларнинг сўйим чиқими 60—65 фоизни ташкил этса, ориқ молларники 42—48 фоизга тенг бўлади.

ХУЛОСАЛАР.

Юқори сифатли қорамол гўшти етиштиришда бузоқлар зотининг роли мавзусида ўтказилган магистрлик диссертацияси ишида олинган маълумотлардан келиб чиқиб:

1. Хусусий ва деҳқон – фермер хўжаликларида бузоқларнинг физиологик ҳолати, маҳсулдорлиги, хўжалик фойдаланиш хусусиятларига кўра, ҳайвон организмнинг озик моддаларга бўлган таълаби асосида озиклантириш;

2. Организмнинг ўсиши ва ривожланиши ирсий белгилари ва ташқи муҳит шароитига боғлиқлиги;

3. Қорамолларнинг гўштдорлик хусусиятида уларнинг ориқ – семизлиги, гўштининг тўйимлилигида эса уларнинг зоти ва маҳсулот йўналиши ҳам муҳим роль ўйнаши;

4. Молларнинг тирик ва сўйилгандаги вазни ҳамда гўшт чиқими уларнинг гўштдорлик хусусиятларини белгилашда асосий кўрсаткич ҳисобланиши;

5. Бузоқлар тана мускулларининг жойланиши гўшт сифатини белгилаш омили эканлиги;

6. Тоза зот бузоқлари гўштира нисбатан дурагай бузоқлари гўшти сезиларли даражада юқори сифатга эга эканлигига хулоса қилинди.

АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

Республикаимиз чорвадор-фермерлари олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири – ҳар бир ферма учун молларнинг сермахсул, тез етилувчан касалликларга чидамли ва иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган зотларни танлаш ва районлаштириш муаммоларига оид ўтказилган ушбу магистрлик диссертацияси ишида олинган маълумотлардан келиб чиқиб:

1. Ем – хашак базасини мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини ошириш, чорва молларини ҳар хил сервитамин озиклар билан узлуксиз таъминлаш;

2. Хусусий ва деҳқон – фермерлар хўжаликларида чорва насилчилиги ва селекция ишларини жадаллаштириш, мавжуд зотларни такомиллаштириш, дурагайлаш ишларини кенгайтириш;

3. Чорвачиликка фан янгиликлари, амалиёт, илғор тажриба, янги техника ва технологияларни жорий этиш;

4. Хусусий ва деҳқон – фермерлар хўжаликлари раҳбар ва мутахассисларининг ҳайвон биологиясини организмнинг ўсиш ва ривожланиш қонуниятлари, барча органлар тузилиши, хусусияти ва функциясини чуқур билишини ташкил этиш;

5. Хусусий ва деҳқон – фермер хўжаликларида қорамол гўшти етиштиришни кўпайтириш ва сифатини оширишда тоза зотли қора – ола зот сигирларини шароле ва санта-гертруда зотли буқалар уруғи билан сунъий йўл билан уруғлантириш, олинган эркак бузоқларини гўшт етиштириш учун парваришлаш мақсадга мувофиқ эканлиги тавсия қилинди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ.

1. И. Каримов Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент. 1995 йил.
2. И.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент. 2010 йил.
3. Акмалхонов.Ш.А. , Аширов.М. Бузоқ ва ғўнажинларни ўстириш технологияси. Тошкент. 1986 йил.
4. Алиматов. К. Т. , Алламуратов. Ш. И. Одам ва ҳайвонлар физиологияси. Тошкент. 2004 йил.
5. Арзуманян Е.А. и др. Животноводство. 1991 йил.
6. Арзуманян Е.А. Скотоводство. М., 1984 йил.
7. Бабский Е.Б. ва бошқалар “Одам физиологияси” Тошкент. 1972 йил.
8. Базанова Н.У. , Голиков. А.Н. Физиология сельскохозяйственных животных. М. 1980 г.
9. Батуев А.С. , Никитина И.П. Малый практикум по физиологии. Л. , 1967 г.
10. Борисенко Е.Я. Разведение сельскохозяйственных животных. Москва. 1980 г.
11. Бутиков Л.П. Гўшт саноат асосида. Тошкент. 1988 йил.
12. Бородулин Е.Н. Учебная книга телятницы. М. , 1977 г.
13. Вракин В.Ф. , Сидоров М.В. Морфология сельскохозяйственных животных. М. ,1991 г.
14. Гальпарин С.И. Физиология человека и животных. М. , 1984 г.
15. Голиков А.Н. , Ажибеков З.А. и др. Физиология сельскохозяйственных животных. М. 1990 г.
16. Губарь А.В. и др. Руководство к практическим занятиям по курсу нормальной физиологии. М. 1963 г.
17. Дектярев В.П. ва бошқалар Физиологиядан амалий машғулотлар учун қўлланма. Тошкент. 1995 йил.
18. Демченко П.В. Биологические закономерности повышения продуктивности животных. Л. 1972 г.
19. Дмитроченко А.П. Влияние условий кормления на некоторых сторон роста и развития сельскохозяйственных животных. М. 1960 г.
20. Икромов Т.Х. Чорвачилик. Тошкент. 1985 йил.
21. Икромов Т.Х. , Хидиров И. Бузоқларни боқиш. Тошкент. 1984 йил.
22. Икромов Т.Х. Основные резервы увеличения говядины. Н. , 1965 г.
23. Икромов Т.Х. Скот любит уход. Н. 1965 г.

24. Икромов Т.Х. Вопросы нагула и орорма крупного рогатого скота в Каракалпакии. Н. , 1962 г.
25. Икромов Т.Х. Ёш соғувчиларга ёрдам. Тошкент. 1980 йил.
26. Икромов Т.Х. Бузокларни боқиш. Тошкент. 1984 йил.
27. Икромов Т.Х. Чорвачилик. (дарслик) Тошкент. 1985 йил.
28. Икромов Т.Х. Қорамолчилик ва сутчилик асослари. Тошкент. , 1989 йил.
29. Икромов Т.Х. Чорвачилик асослари. Тошкент. 1996 йил.
30. Икромов Т.Х. Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси. Тошкент. 1997 йил.
31. Икромов Т.Х. Сутни кўпайтириш тадбирлари. Тошкент. 1960 йил.
32. Икромов Т.Х. Ильич номидаги қорамолчилик совхози. Тошкент. 1968 йил.
33. Икромов Т.Х. Фермер хўжаликларида мол гўшти етиштириш. Тошкент. 1992 йил.
34. Исроилжонов. С. , Рахимов. М. А. Фермер ва хусусий хўжаликларда чорва молларини асраш ва боқиш. Фарғона. 2005 йил.
35. Коган. А. Б. , Шитов С.И. «Техника физиологического эксперимента (Большой практикум по физиологии человека и животных)», М. , 1967 г.
36. Павлов М.Г. Газо – энергетический обмен у бычков кастратов симментальской и черно – пестрой пород. 1963 г.
37. Ражамуродов З.Т. , Ражабов А.И. Одам ва ҳайвонлар физиологияси. Тошкент. 2010 йил.
38. Носиров. У.Н. Гўштдор қорамолчилик. Тошкент. 1977 йил.
39. Тўракулов З.Т. , Бисерова Н.И. , Қорамолчиликдан практикум. Тошкент. 1977 йил.
40. Хаитов Р.Х. , Душанов А., Ҳайвонлар физиологияси. Тошкент. 1975 йил.
41. Хаитов Р. , Ражамуродов З. ва бошқалар. Ҳайвонлар физиологияси. Тошкент. 2005 йил.
42. Цюпко В.В. Физиологические основы питания молочного скота. Киев. 1984 г.

ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР.

1. [Http://bio.1september.ru/2003/19/5htm](http://bio.1september.ru/2003/19/5htm)
2. <http://www.ipmimages.org/browse/order.cfm?id=94>
3. <http://www.insectimages.org/browse/detail.cfm?imgnum=1329009>
4. <http://www.insectimages.org/browse/detail.cfm?imgnum=1326234>
5. <http://www.biology.uaiberla.ca/bsc/pdf/foottit.pdf>
6. <http://evolution.powernet.ru/library/marav.htm>
7. <http://www.plante-doctor.dk/bladlus2.htm>
8. <http://www.entom.agrsci.unibo.it/attiv%20did.htm>